

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА

ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

МАВЛУДА ХЎЖАЕВА

Алишер Навоий образи туркман фольклорида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

НУКУС-2008

КИРИШ

Алишер Навоий асарларининг шуҳрати ва таъсир дираси буюк шоирнинг ҳаётлик чоҳидаёқ ниҳоятда катта бўлган, айниқса, туркман халқи ўртасида ҳам севиб ўқилган. Бундан хабардор бўлган Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг охириги бобини яқунлар экан, ўз асарларининг «Хитодин то Хуросон»гача бўлган «турк улуси» орасида анча машҳур бўлганлигини қониқиш билан ёзган эди.

Навоийнинг асарлари туркман бахшилари, созанда ва хонандалари орқали халқ ўртасида кенг тарқалиб қалбларга сингиб кетган, гуманистик ҳоялар билан йўқрилган шеърияти, ҳаётбахш поэтик мероси туркман шоирларининг диққатини жалб этган, ҳурматини қозонган. Туркман адабиётида Алишер Навоийни ўзларига устоз билиб, ундан ўрганган унинг ҳазалларига назиралар ёзиб, мухаммаслар боҳлаган туркман қаламкашлари анчагина бор.

Алишер Навоийнинг баракали ижодий таъсири, айниқса, XVIII-XIX асрлар туркман адабиёти тараққиётида яққол сезилади. Мана, Навойдан илҳом олиб, унинг илҳор ҳояларини ўз ижодлари билан давом эттирган туркман шоирлари: Озодий, Андалиб, Махтумқули, Камина, Мулла Нафас, Сетдий, Ғойибий, Шохбанди, Зинҳорий.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин эди, албатта. Улух Навоийнинг шеърят чашмасидан баҳраманд бўлган туркман қаламкашларининг табаррук номларини қайд этиш, мўътабар ижод намуналаридан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Биз фақат XVIII-XIX асргина тилга олаяпмиз. Ваҳоланки, Алишер Навоийнинг туркман қаламкашлари билан ҳамкорлиги шоир

яшаган давр XV аср шароитида ҳам жуда самарали бўлганидек, Навоий вафотидан кейин ҳам, яъни XVI-XVII асрларда ҳам бу анъана, улух ўзбек шоири ижодига садоқат, унинг ўлмас меросидан баҳраманд бўлиш руҳида изчил давом этди. Шу маънода Алишер Навоий асарларининг туркман мумтоз адабиётига таъсири XVI-XVII асрлар адабий муҳитдан излаш яхши самаралар бериши шубҳасиздир.

Адабий алоқашунослигимизнинг диққат марказидан четда қолиб келаётган бир долзарб мавзу бор. Бу туркман халқ оҳзаки ижодида Навоий (Мирали) образининг яратилиши билан боҳлик бўлган масала. Маълумки, туркман фольклорида Алишер Навоий ҳақида Мирали номи билан боҳлик бир туркум ривоятлар яратилган.

Туркменистонда Навоий (Мирали) ҳақидаги афсона ва ривоятларнинг нашр қилина бошлагани кўп йиллар бўлган. Бу афсоналарнинг айримлари Ўзбекистонда ҳам чоп этилди. Бироқ бу ривоятлар ҳақида ўзбек адабиётшунослигида ҳам, туркман адабиётшунослигида ҳам илмий тадқиқотлар жуда кам йзилган. Шунинг назарда тутиб биз битирув малака ишимизни шу мавзуга баҳишлагга қарор қилдик. Имкон қадар Навоий (Мирали) образининг туркман халқ оҳзаки, ижодида яратилишини битирув малакавий ишимизда ёритишга ҳаракат қиламиз.

А С О С Л А М А

Маълумки, миллий адабий адабиётлар Ўртасидаги алоқалар у ёки бу адабий жараённинг тараққиётини кафолатлайдиган асосий

омиллардан бири эканлиги Аллақачон илмда исботланган. Бунга хохлаган мисоллар келтириш мумкин бўлади.

Бу жараёнга мутсақиллик йилларида алохида ахамият берилмоқда, бу ҳодисани ҳар томонлама ривожлаштириш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти. Бу ишга давлат ахамиятига эга сиёсий масала сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Чунки Адабиётлар дўстлиги бу халқлар дўстлиги деган шиорда катта ҳақиқат бор. Фақат шу йил билангина халқлар Ўртасидаги дўстликни биродарликни мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш мумкин эканлиги шўролар давридаёқ исботланган эди. Истиқлол йилларида эса бу жараён янги шакл ова янги мазмунда, янги мафкура негизида тараққий эттириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Бизга маълумки, адабиётлар Ўзаро шунчаки бўлмайди. Адабиётларни бир-бирларига боҳлайдиган, улар Ўртасидаги алоқалар хизмат қиладиган, Ўзларининг ижоди билан, шахсий фаолияти билан байналминал бўлган ижодкорлар бўладим. Бундай ижодкорлар ҳамма адабиётларда ҳам бор. Алишер Навоий Ўзбек адабиётини барча туркий адабиётлар билан боҳлаб тўрадиган Ўз асарлари билан халқлар ва адабиётлар Ўртасида кўприк бўлиб келаётган бетакрор сўз усталаридан биридир.

Алишер Навоий Марказий Осиё минтақасида жуда машхур, туркий халқлар ва адабиётларнинг фахрига йланиб улгурган бетакрор усиз усталаридан биридир. Туркман, тожик, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ адабиётларида Навоий меросидан бахраманд бўлмаган, унинг анъаналарини Ўз адабиётларида, Ўз ижодларида давом эттирмаган шоир жуда кам. Бу фикрлар қардош халқларнинг адабиётшунослигида ўрганилган. Алишер Навоий ижодининг қардош адабиётлар билан муносабатлари тўхрисида

кўп ишлар ёзилган. Туркман, Ўзбек, қорақалпоқ адабиётшуносларининг бу соҳада салмоқли ишлари бор эканлигидан илмий адабий жамоатчилик хабардордир. Б. Гарииев, А. Мамедов, К. Максетов, К. Мамбетов, К. Қурамбоев, Ҳ. Абдуллаев, А. Еаримов, К. Бойниёзов каби адабиётшуносларнинг илмий ишларида, китоблари ва мақолаларида Алишер Навоий ижодининг у ёки бу адабиётдаги мақеи ўрганилган, шоирнинг қардош адабиётлар ўртасидаги алоқларни мустахкамлашдаги воситачилик роли, асарларининг ахамияти тадқиқ қилинган. Алишер Навоий ижоди бу адабиётларга фақат асарлари билангина кириб бормаган, балки у ривоятлар орқали ҳам кириб борган. Навоий ҳақитдаги ривоятлар айниқса, туркман ва Ўзбек халқи ўртасида анча йиллардан бери маълум ва машхурдир. Бу ривоятларнинг маълум бир гуруҳ Ўзбек ва туркман тилларида алоҳида китоб шаклида ҳам босилиб чиққан. Айниқса Алишер Навоий «Мирали» деган ном билан Туркман халқи орасида жуда машхурдир. Энг характерли томони шундаки, бу ривоятларни узок йиллар давомида туркман адабиётининг энг машхур номаёндалари тўплаган ва нашр эттирган. Бу соҳада айниқса машхур туркман ёзувчиси В. Кебобоевнинг хизматлари алоҳидадир.

Туркман фольклорида яратилган Навоий образида шоир улўх инсон, саховат пеша шахс, адолатпарвар киши, ҳукумдор тарзида талқин этилади. Бу ривоятларнинг барчасида Навоий шахсиятига, ижодига, давлат арбоби сифатидаги фаолиятига тегишли фактлар жуда қизиқарли, бадиий шаклда хикоя қилинганки, ўқиган киши завқ олади. Туркман халқи ўзининг энг олижаноб орзуларини, яхшилик, эзгулик ҳақидаги қарашларини

Навоий (Мирали) тимсолида беришга ҳаракат қилганлар. Навоий барча ҳикояларда тадбиркор, ҳар қандай қалтис вазиятларда ҳам Ўзининг донолорги, Ўткир тафаккури билан чиқиб кета оладиган образ сифатида талқин этилган. Бу фазилатчилар чиндан ҳам Навоий шахсияти бор бўлиб, халқ буларни янада мукаммаллаштириб, бадий либосларга ўраб, янги воқеалар тўқиб яратганки, бу сундан ҳам туркман халқининг Алишер Навоийга муносабатини тўла гавдалантира олади. Навоий туркман халқи тасавурида энг адолатли инсон, бева бечораларининг хомийси бўлиб гавдаланади.

Туркман фольклорида Навоий образининг Ўзига хос хусусиятларини бадий талқин қилиш ҳозирги навоийшуносликнинг муҳим масалаларидан бири ва уни ўрганиш жуда зарур деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда биз бу мавзуга қўл урдик.

I-БОБ

НАВОИЙ ВА ТУРКМАН АДАБИЁТИ

Алишер Навоий Ўзбек-туркман мумтоз шеърляти Ўзаро алоқадорлигини ва ижодий таъсири жараёнларининг марказида турган улх сиймоларлардан биридир.

Навоий ижодига катта хурмат ва эътибор билан муносабатда бўлган, унинг ҳояларини ривожлантирган туркман шоирларидан бири Давланманд Озодидир. XVIII асрда яшаб ижод этган бу шоир Ўз даврининг илхор маърифатпарвар кишиларидан бўлган. Илм-фан ва адабиётни юксак қадрлаган, шеърлят сирларидан яхшигина хабардор бўлган Озодий туркман адабиёти тарихини гражданлик лирикаси билан бойитган шоир сифатида танилган. Айни чоҳда, у туркман адабиёти тараҳидаги Махтумқулидек улх шоирни

етиштириб берган падар сифатида ҳам эъзозланади. Озодий уҳли Махтумқулининг Хивадаги «Шехози» мадрасасида таълим олиш учун зарур имкониятларини яратган, унга устозлик қилиб шеърят чаманига олиб кирган. Кейинчалик Махтумқули Ўз асарларида отаси Озодийнинг номини ҳурмат билан тилга олади, унинг асарларидаги мамлакат халқ инсонийлик адолат ҳақидаги карашларини Ўз ижоди билан давом эттиради.

Шоирнинг («Ваъзи Озодий» «Озодий насиҳатлари») достони Ўзининг мавзуси ҳоявий асослари, бадий кўркамлиги билан ажралиб туради. Уни XVIII аср туркман адабиётида яратилган фалсафий дидактик характердаги асарларнинг энг мукаммали дейиш мумкин.

Бу дostonни яратишда Озодий Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий каби шоирлар ижодидан баракали озиқланган, таъсирланган. «Маҳзанул-асрор», Саъдийнинг «Бўстон ва Гулистон», Навоийнинг «Ҳайрат ул аброр» каби дурдона асарлари Озодийга маънавий мадад берган.

«Ваъзи Озодий» дostonи олти минг мисрадан иборат бўлган фалсафий дидактик характердаги асар. У асосан тўрт бобдан иборат. Биринчи боб адолат ва адолатсиз подшоларга, ҳукумдорларга баҳишланган. Иккинчи бобда эса камбаҳал, бевабечораларга бойлар томонидан ҳайри-эҳсон кўрсатилиши лозимлиги тўхрисидаги фикрлар баён этилади. Илм ва илм аҳли, фаннинг жамият ҳаётидаги ўрни каби масалалар дostonнинг учинчи бобининг мазмунини ташкил этади. Дoston дарвешлар ҳақидаги боб билан якунланади.

Асарнинг мундарижасида кўриниб турибдики, Озодий Ўз даври ҳаётининг мушим масалаларини қаламга олган. Она халқининг дарди ва олами, қувонч ва изтиробларига шерик бўлган шоир адолатпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик ҳояларини кўтариб чиққан. Халқ ҳаётини яхшилаш юзасидан у илгари сурган фикр-мулоҳозалар, ахлоқий-таълимий, социол-фалсафий йўналишдаги дидактик қарашлар XVIII аср тарихий шароитда катта тарбиявий аҳамиятга эга эди.

«Ваъзи Озодий» асари она юртга муҳаббат, халққа садоқат ва самимият, сахийлик ҳақидаги гуманистик ҳоялар билан суҳорилган. Шоирнинг ижтимоий-сиёсий эл фарованлиги учун астойдил қайҳурганлиги ҳар бир мисраси мазмунидан англашилиб туради.

Озодий шоҳ Ўзининг садоқатли кишилари халқи тўғрисида ҳамхўрлик қилиши, уларни босқинчи-таловчилардан асраб сақлаши лозим дейди. Шоир фикрича, подшоҳ мамлакатадаги зулмат ва жаҳолатни йўқотиш учун курашиши керак.

Шоир адолат асосида, халқ ҳуқуқини ҳурмат қили шва халқ билан иттифоқ бўлиш орқали мамлакатни бошқаришни ҳар, бир масалани омма билан бамаслаҳат ҳал қилиш зарурлигини ҳукмдорларга уқтиради. Ўқ, найда ишлатиш орқали битириб бўлмайдиган ишларни ҳам кенгаш маслаҳат йўли билан ҳал қилиш мумкинлигига Озодий ишонади ва замонасидаги ҳукмдорларга угит беради.

Озодий таъбирича подшоҳ мамлакатни гуллаб-яшнатиши, халқнинг ҳаётини яхшилаши учун деҳқончиликни ривожлантириши, суҳориш ишларини йўлга қўйиши каналлар, қудуқлар қаздириши лозим, оддий халқнинг бахтиёр, тинч ва

осойишта яшаш учун, олижаноб орзуларининг рўёбга чиқиш учун эл ҳукмдори барча имкониятлардан фойдаланиши зарур деб ҳисоблайди.

Ваъзи Озодий достони замона зулмидан шикоят, норозилик мотивлари билан йўқирилган бўлиб, унда шоир халқнинг қайҳу-қасрати билан Ўз қайҳу-қасратини уйхунлаштиради. Озодий Ўз давридаги адолатсизликни, тенгсизликни қоралар экан, меҳнаткаш халқнинг орзу-истакларини куйлашни катта ижтимоий масала даражасига кўтаришга ҳаракат қилади.

Озодий яшаган даврда зулм, адолатсизликлар кучайган бир давр эди. Шунинг учун ҳам шоир асарда ободончилик, фарованлик ва осойишталик қўмсаб ана шу муддаога хизмат қилувчи подшоҳларни, ҳукмдорларни қидирди, лекин тополмади. (Шоир осойишталикни, эркинлик қумсаб Ўзига «Озодий» тахаллусини танлаши ҳам бежиз эмасдир).

Озодий ҳам худи Навоий сингари Ўз замонидаги адолатсиз ҳукмдорлар билан чиқиша олмаган. Ҳатто, у баъзи Ўринларда амалдорларни, хон ва бекларни кескин танқид қилиш даражасига ҳам етган. Озодийнинг бундай исёнкорлик фазилати ҳақида туркман халқи кўпгина ривоятлар ҳам тўқиган. Булар гарчи афсона бўлса ҳам, халқ оммасининг Озодийга муносабатини, Озодийнинг эса халқ тақдирига алоқасини ойдинлаштиришда маълум қимматга эга. Характерли томони шундаки, бу ривоятлар ҳоявий мавзу йўналиш жиҳатидан Навоий ҳақида халқ тўқиган афсоналарга ҳам ўхшаб кетади.

Золим подшоҳларнинг, хон ва амирларнинг меҳнаткаш халққа қилган зулмини Ўз кўзи билан кўрган, ҳаётида синаган Озодий уларни Ўз асарларида изчил фош қилишни давом

эттиради. Бу соҳада у халқ оҳзаки ижоди материалларига кўп муурожаат этади. Золим шоҳлар тўхрисида халқ тўқиган афсона ва ривоятлар мазмунидан фойдаланиб, оригинал ҳояларни илгари суради.

Худди Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонидагидек, кичик-кичик ривоятлар келтириб, шулар воситасила ўз фикрларини далиллашга, ўқувчини ишонтиришга ҳаракат қилади.

Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган бу усул Озодийга ҳам ижтимоий фалсафий, ахлоқий-тарбиявий масалалар хусусида ўзига хос фалсафий хулосалар чиқаришда жуда қўл келган.

Давлатмад Озодий, энг аввало «Ҳайратул аброр» достонидаги ижтимоий-фалсафий қарашларни ривожлан йўналишидаги ҳояларини янги ҳаётий фактлар билан тўлдиради, бойитади, конкретлаштиради. Замон руҳига мослаштириб ўзининг фалсафий мушоҳодаларини ҳам илгари суради. У Навоийнинг фикрларини ижтимоий қарашларини айнан такрорлаш, унга тақлид қилиш йўлидан бормайди. Аксинча, Навоий достонида қаламга олинган ҳар бир мавзунини ўзича талқин қилишга, ўзбек шоирининг ҳар бир байтидаги фикрни ўзига хос услуб ва усулда бойтишга, энг муҳими, унга замон ваз амин руҳини сингдиришга ҳаракат қилади.

Халқпарварлик ҳоялари ҳар икки шоир ижодида ҳам қизил ипдек тортилган. Айниқса, улух Навоий шахсий фаолияти билан ҳам, ижоди билан ҳам халқ томонида турган она халқмнинг ҳам-аламига ҳам, шодлигига ҳам шерик бўлган шоир Навоий мамлакатнинг ободонлиги тўхрисида ҳам қайҳурган, эл фарован

бўлишини, адолат ва тинчлик ўрнатилишини истаган ваш у олижаноб мақсад йўлида ижод қилган, курашган.

Навоийдаги «адолатли» ва «адолатсиз» ҳукмдор ҳақидаги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ҳам, маълум даражада, шоирнинг шахсий ҳаёти, ҳукмдорлик тажрибалари туфайли шаклланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас, Навоий ҳамisha адолатни улуҳлаб, адолатсизликни қоралаган.

Халққа жабр ўтказаетган золим ҳукмдорларни қандай йўллар билан бўлсада тўхтатиш, ҳатто уларни «у дунё дўзах» каби тушунчалар билан хайиктириш орқали инсоф ва диёнатга чақирмоқчи бўлади. Золимлар халққа зулм ўтказишдан тўхтамас эканлар, албатта улар халқ ҳазабига учрайдилар, «нариги дунёда», «дўзах ўти»да қовриладилар дейди. Навоий «Ҳайратул-аброр» достонининг адолатли ва адолатсизлик подшоҳлар тасвирига баҳишланган учинчи мақолатида ёзади:

Негаки, чун ҳашр куни зулжалол
 Золиму мазмуни айлар савол
 Анча эваздур, санга шармандалик,
 Анга бийиклик, сенга афгандалик...
 Ҳар не хато қилҳонинг ўлҳа ҳисоб,
 Бўлҳусидир ҳар бирига юз азоб...

Адолатсиз подшоҳлар ҳақидаги Озодийнинг қарашларида насиҳат оҳанги йўқ, аксинча, уларни турли воситалар билан қаралаш руҳи устунлик қилади. Халққа зулм ўтказган подшоҳларнинг аҳволи «ҳар ду оламда» ёмон бўлажагини, жабр кўрган халқ «нариги дунё»да уларнинг тилларини кесиби, кўзларини ўйиб, юзларига қора суртажаклигини Озодий диний тушунчалар йўли билан бўлса-да золимларга етказди, уларни огоҳлантиради.

Озодий Навоий асарларига мурожаат қилар экан, доимо Ўзига хос услуб ва усул Ўзига хос содда тил кашф этишга, шу йўл билан устоз анъаналарини бойтишга ва ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Алишер Навоий улҳ инсонпарвар шоир унинг бу йўналишдаги қарашлари нафақат туркман шоирлари ижодига таъсир қилган, балки бутун Шарқ адабиёти вакилларига сабоқ бўлган. Халқпарварлик ҳоялари билан суҳорилган шоирнинг ҳар бир байти Ўзидан кейин яшаб ижод этган ҳар бир халқчил шоир учун илҳом ва истак уйҳотган. Халқпарварлик ҳоялари Озодий томонидан Ўзига хос давом эттирилди. Меҳнаткаш халқини тинч, бахт саодатли кўришни орзу қилган Озодий ижодини ана шу эзгу мақсадларга баҳишланган. Диққатга сазовар томони шундаки, Озодий ҳам Навоий сингари амалдорлар ҳақида фикр юритар экан, подшоҳ ёки ҳукмдор Ўз халқига ҳомийлик, ҳамхўрлик қилиши зарурлигини чорвачилик ва деҳқончилик билан қиёслаб муайян фалсафий хулосалар чиқаради. Озодий ҳам Навоий сингари «чўпон», «деҳқон», «бўри», «қўй» каби рамзий образлар яратар экан, бу образлардан замонасининг ҳукмдорлиги адолатга, инсофга чақиришда фойдаланади. Бир хил атамадаги рамзий образлар икки хил тарихий шароитдаги соўиол мазмунни ифода этишга бўйсундирилгандир.

Демак, Озодий катта ижтимоий масалаларни кўтариб чиқишда, ахлоқий-тарбиявий мавзуларни қаламга олишда Навоий мероси унга мадад ва илҳом берган. «Ҳайратул-аброр» билан «Ваъзи Озодий» дostonларини бир-бирига яқинлаштириб турадиган яна бир хусусияти тўхрисида айтиб ўтмоқчимиз. Бу ҳар икки дostonнинг ёзилиш услуби, композицион қурилиши, бир сўз

билан айтганда, шаклий Ўхшашлиги билан боҳлик масала. «Ваъзи Озоди» достони ҳам «Ҳайратул аброр» достони услубга яқин услубда ёзилган. Яъни тарихий ва афсонавий қаҳрамонлар ҳамда воқеаларга мурожаат этиш, улар билан боҳлик бўлган ривоятлардан фойдаланиш асосида муҳим ахлоқий-тарбиявий масалаларни кўтариб чиқиш жиҳатидан туркман шоирининг достони «Ҳайратул аброр» жуда яқин туради. Хатто Навоий достонидаги баъзи бир афсонавий қаҳрамонлар, айрим ривоятлар Озодий достонида айнан келтирилади.

«Ҳайратул-аброр»нинг учинчи мақолатида адолатпарварликни мадҳ этувчи ибратли бир ривоят келтирилган. Шоҳ Ғозий подшоҳлик тожи учун курашиб юрганда бир девона кампирнинг ёлҳиз Ўҳли ҳам катл қилинади. Шоҳ тахтга эга бўлгач, адолат кўрсата бошлайди. Шу даврда девона кампир келиб шоҳдан Ўҳлининг хунини талаб қилади. шоҳ кампирни қозининг олдига боришга даъват этади ва қози қандай ҳукм чиқарса, шуни бажарганини айтади. Қози марҳумнинг хунини ё зар билан ёки қасос билан тўлашга ҳукм қилади. Шунда Шоҳ Ғозий кампирнинг аёҳи остига олтин тўғади ва Ўз қиличини унинг қўлига тўтқазиб: манна, нима қилсанг қил, ихтиёр сенда, дейди:

Деди: «Қасос айласанг олингда бош,

Сийимни ол, гар ҳаразингдур маош.

Мен эдим ул амрда беихтиёр.

Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр».

Яхши ниятли подшоҳнинг айбига иқрор бўланидан, адолат ва зўр инсоф кўрсатганлигидан қаттиқ таъсирланган девона кампир шоҳнинг гуноҳидан ўтади ва оёҳига йиқилиб узр сўрайди.

Агар болам сенинг йўлингда қурбон бўлган бўлса, мен қария ҳам сенга жонимни беришга тайёрман. Агар сени изтиробга солган бўлсам, яхшиликча кечир, мен енгилдим дейди кампир.

Кампир Ўзининг даъволридан кечгач, одил падшоҳ унга катта бойлик совҳа қилади. бу олтин-кумушлар уни кўҳна фалакдек яшартириб юборади. Сим, зар туфайли халқ унга «Тилла кампир» деб лақаб қўяди.

Навоий келтирган бу ҳикоят барча ҳукмдорларни адолатга, инсофга чақирган чақирганлиги билан ибратлидир.

Ижтимоий, сиёсий ва ҳаётий масалаларни кўтариб чиқишда Озодий ҳам Навоий изидан борган. Халқ ижоди намуналаридан Ўз назарий мушоҳодаларини тасдиқлаш учун фойдаланади. Уларга давр ва замон руҳини сингдиришга ҳаракат қилади. Озодий қўллаган ҳикоятлар ҳам бир мақсадга халқ идеалини улўхлашга олижаноб эзгу ниятлар тараанумига қаратилган.

«Ваъзи Озодий» достонида келтирилган ҳикоятлар орасида афсонавий шоҳ Баҳром ҳақидаги қисса қизиқарли ва ибратлидир. Адолатли, инсофли подшо идеаси шу образ орқали яхши очиб берилган. Мана, Ўша ривоятнинг қичқача мазмуни: Кунларнинг бирида шоҳ Баҳром саёҳат қилиб юриб, бир боққа дуч келиб қолади. Боҳбонга бир коса анор шарбати келтиришни буюради. Боҳбон шоҳнинг амирини адо этиб, унга тўла қадахда анор суви келтиради. Шоҳ боҳидаги серобликни кўриб, бу боққа ҳам солиқ солиш керак экан, деган фикрни хаёлидан ўтказди ва яна қадахни тўлҳазиб келишни буюради. Лекин бу сафар боҳбон анча хомуш қайтади ва шоҳга қараб дейди:

шоҳ Баҳром боҳбонининг бу жавобидан таъсирланади ва солиқ солиш ҳақидаги ёмон ниятидан қайтади.

Юқоридаги ҳикоятнинг мазмунига яқин мазмундаги «Ҳайратул-аброр»да Алишер Навоий қўлланган бир ҳикоят бизнинг диққатимизни тортди. Бу ҳикоят Навоий достонининг Ўн тўққизинчи мақолатида келтирилади. Қизиқи шундаки, бу ҳикоятла ҳам шоҳ Баҳром ҳақида сўз юритилади. У адолатпарвар тимсоли сифатида талқин қилинади.

Ривоятнинг мазмуни куйидагича: «Шоҳ Баҳром ов қилиб юрганида бир қишлоққа қўнади. Қишлоқ вайрон этилган, халқи оч-ялонҳоч эди. Шоҳ бу харобаликнинг сабаби нимада деб сўраганида қишлоқ одамларидан бири шундай жавоб қилади:

Шоҳ Баҳром бу хабардан мутаассир бўлади, эл-юрт ободончилигига эътибор беришни, мамлакатни адолат ва инсоф билан бошқаришни кўнглигига тугади. Зулмни барбод этиб, халқини шод айламакка қарор қилади». Кўриб турибмизки, Навоий ҳам, Озодий ҳам феодал шароитда илҳор фикрларни илгари сураётган экан, Одил шоҳ тимсоли бўлган Баҳром образидан бир хил мақсадда фойдаланганлар.

Туркман шоирининг достонида келтирилган бу ҳикоятлар шакл-эътибори билан ҳам мазмун жиҳатидан ҳам, ифода тарзи билан ҳам «Ҳайратул-аброр» даги шоҳ Ғозий Нуширвони ёлҳончи Дуррожнинг ҳалок бўлиши ҳақидаги ривоятларга, машхур араб хаттоти Ёқут, Шайх Ироқий тўхрисидаги афсоналарга жуда яқин туради.

Алишер Навоий Ўз асарида маърифатни улўхлаб, унинг қудратига жамият тараққиётидаги ролига юксак баҳо берган эди. Шоир бутун ҳаёти давомида илм-фан тараққиёти учун курашади. У илмли соҳлом фикрли кишиларни доимо қадрлаб уларга ҳамхўрлик қилди. Навоий Ўз асарларида илмга бахт йўлини

ёритувчи қуёш, адашганларга йўл кўрсатадиган машъала, деб таъриф беради.

Шоир «Ҳайратул аброр» достонида бу масалага алоҳида аҳамият бериб, унга махсус боб ажратгани бежиз эмас. Достоннинг, ўн биринчи мақомоти илм ва илм аҳлига баҳишланган бўлиб, шоир унда илмнинг қадрини беҳад кўтаради. Навоий бир ўринда: «Илмни ким амалга оширмоқ учун восита қилса, ўзини ҳам, халқни ҳам йўлдан адаштиради. Олим агар амал учун пасткашлик қилса илмни унинг билимсизлигига далимдир», дейди:

Навоий илми кишиларни жуда эъзозлайди. Айниқса илмга амал қилган олимларни юксак қадрлайди. Олим агар илмга қараб иш тутса, дунёнинг ҳаром молларига кўз олайтирмаса, бундай одамни шароф гавҳарининг кони деб бил, дейди Навоий. Манна, улуҳ шоирнинг илм ва илм аҳли ҳақидаги фалсафий қарашлари Алишер Навоий илм ўргангандан кейин унга амал қилиш лозимлигини ҳам уқтиради. Мазкур мақолатдаги мана бу байтлар шоирнинг илм ва илм аҳли ҳақидаги қарашларнинг мантииқий хулосасидир. Шоирнинг илм-фан ҳақидаги қарашлари фақат «Ҳайратул аброр» достонидагина эмас, бошқа асарларида ҳам ўзининг бадиий ифодасини топган. Чунончи, «Назмул жавоҳир» («Шеър дурдоналари»)да таълим-тарбияга оид шеърлар билан бирга, илмга доир тўртликлар ҳам анчагина бор.

Навоий яна бир ўринда илмига амал қилмаган олимни ерга Уруҳ сепмаган, ёки Уруҳ сепса-да ҳосилидан баҳраманд бўлмаган деҳқонга тақослайди.

Биз Озодийда бу фикрларнинг бошқача ўзига хос талқинини кўрамиз. Озодий таъбирича ҳам илм ҳоят катта қудратга эга.

«Ваъзи Озодий» достонида Навоийнинг «Ҳайрат ул аброр» достонидан бошқа асарларининг ҳам ижодий таъсири бор эканлигини кузатиш мумкин. Озодий ижтимоий ҳаётдаги баъзи бир масалаларни қаламига олишда уларнинг инсонлар тақдиридаги ролини тўхри белгилашда Навоий турган позицияда туради. Озодийнинг Ўз замонаси учун илҳор фикрларни кўтариб чиқишда яна Навоийнинг ижоди катта ёрдам берганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Ҳайрат ул аброр» билан «Ваъзи Озодий» дostonлари қиёсий таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, бу икки ажойиб асар шакли ва мазмун жиҳатидан бири-бирига яқин турса ҳам Озодий дostonи оригинал, Ўзига хос такрорланмас миллий хусусиятларга эга бўлган фалсафий дидактик асар. «Ваъзи Озодий» XVIII аср ҳаётига яқинлиги, унда Озодий яшаб турган даврнинг, ижтимоий муҳитнинг нафаси сезилиб тураганлиги билан характерлидир. Туркман шоири Ўз асарида Навоийнинг илҳор анъаналарини Ўзига хос бир услуб, Ўзига хос бир формада, Ўзига хос бир оҳангда давом эттирди, ривожлантирди, бойитди.

Шундай қилиб Алишер Навоий туркман ёзма адабиёти тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Биз битирув малакавий ишимизнинг ушбу бобида Навоийнинг туркман адабиётига таъсири фақат Озодий ижоди мисолида кўриб чиқдик. Ваҳоланки, Алишер Навоий ижоди XVII-XIX асарларда яшаб ижод этган Муллонафас сингари шоирлар ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатган. Бу алоҳида тадқиқот мавзуси бўлганлиги боис битирув малакавий ишимизда улар ҳақида тўхталдик.

Алишер Навоий нафақат шоирлар орасида балки халқ орасида ҳам катта обрўзга эга бўлган. Халқ шоири жуда

кадрлаган. Туркман халқи ҳам, Ўзбек халқи ҳам Алишер Навоий ҳақида жуда кўп афсоналар, ривоятлар тўқиган. Шу орқали халқ оҳзаки ижодида шоир образи яратилган. Малакавий битирув ишимизнинг навбатдаги бобларида шоир образининг Ўзбек ва туркман фольклорида яратилиши ҳақида сўз юритамиз.

II-БОБ

НАВОИЙ ОБРАЗИ ХАЛҚ ТАЛҚИНИДА

Алишер Навоийнинг Ўзбек адабиёти адабий тилини ривожлантиришдаги буюк хизматлари ҳамда бой ва беқиёс ижодий меросни Ўрганиш беш ярим асрдан ортиқ вақт давомида қанчалик оламшумул аҳамият, қизиқиш касб этган бўлса унинг шахсиятини талқин этиш ҳам ўтган ана шу давр ичида янада кенгроқ қамровга эга бўлиб борди. Алишер Навоий образининг бу қиррасини очишга хизмат қилувчи, унинг Ўз асарларида қамраб олинмаган, акс этмаган хусусиятларини ёритувчи кўплаб ҳикоят ва ривоятларнинг яратилиши фақат Ўзбек фольклоридагина эмас, бошқа туркий халқлар, қолаверса, бутун Шарқ оҳзаки ижодиётида етакчи тенденцияга айланди. Мазкур адабий ҳодисанинг юзага келишда Ўзига хос ички қонуният мавжуд.

Мазкур қонуниятнинг асосларидан бири халқнинг Ўз суюкли фарзандига бўлган меҳр муҳаббати ҳамда бу буюк фидойи ватанпарвар олдидаги адоҳ бўлмас маънавий қарзини Ўзишга интилишидир.

Иккинчидан, Алишер Навоий Ўз асарларида («Мажолис-ун нафоис», «Муншоат» кабилар) замондошлари ва яқин ўтмишда яшаб ўтган шоир, фозилу фузолалар, дин арбоби ва олимлари

уларнинг фаолияти ҳамда характерли хусусиятлари, жамиятдан тутган мавқеалари касб-кори ҳақида Ўта қимматли тарихий маълумотлар қолдирган бўлса ҳам, Ўзи тўхрисида «фақир у пайтлар» дейишдан нарига ўтмайди. Олти юздан ортиқ замондошлари ҳақида қисқа-қисқа бўлса-да, мухтасар маълумот беришга улгурган шоир асарларидан унинг Ўзи тўхрисида, шахсияти, характерли фазилатлари борасида етарли маълумот топа олмаймиз.

Учинчи, Заҳриддин Мухуммад Бобур минг афсус билан таъкидлаган «оламни тавре фар два жорийда (дунёни ҳалати ёлҳизликдан) ўткарганлиги» ҳам Алишер Навоий ҳақида кўплаб ҳикоят ва афсоанларнинг юзага келишига сабаб бўлган олимлардандир. Халқ севги муҳаббат ҳақида нафис ҳазаллар ажойиб дostonлар битган буюк фарзанди ҳаётининг Ўз асарларида аниқ акс этмай қолган томонларни Ўз асарларида аниқ акс этмай қолган томонларни Ўзича тўлдиришга унинг нурли ва ибратомуз шаклу шамоилини асрлардан-асрларга етқаҳишга ва келгуси авлод ардоҳида қолдиришга жазм этган.

Тўртинчи, Алишер Навоийнинг шоҳ-султон Ҳусайин Байқорога ва аксинча, шохнинг шоирга бўлган муносабатлари ҳам муайян аниқликларга муҳтож, зеро Алишер Навоий, тарихий маълумотлардан маълум бўлишича, Ҳусайин Байқоро саройида хизмат қилиб юрган кезларида ундан, яъни шоҳдан ҳеч қандай хизмат ҳақи олмаган, бойлик орттириш йўлини тутмаган. Бу ҳақда «Бобурнома» муаллифи ёзади:

«Мирзодин (Ҳусайин Байқорадан-Н.А)» нима олмас балки йилда Мирзоҳа қулай маблаҳлар пешкеш қилур эди».

Шу ва шунга Ўхшаш муносабатларга оид турфа гап сўзлар халқ орасида кенг тарқалган ва Ҳусайин Байқаронинг дўстлигига, улар ўртасидаги зидликка оид турли-туман ҳикоятлар пайдо бўлган.

Ҳикоя ва афсона ривоятларнинг юзага келиши баъҳан реал заминга, баъзан тарихий фактларга асосланиши мумкин. Бироқ бундан келиб чиқиб, уларнинг талқинидан реал факт, тарихий воқеалар тасвирини талаб қилиши ўта кулгули бўлиб қоларди.

Буюк шахслар ҳақида халқ ижодиётида яратилган асарлар учун факт аниқлиги эмас, балки тарихий моҳият аниқлиги, унинг буюк шахс шаклу шамоилига муносиблиги муҳимдир.

Бу ўзига хос хусусият, яъни тарихий моҳият аниқлигини бериш ҳатто халқ ривоятлари асосида яратилган ёзма адабиёт намуналарида ҳам сақланиб қолади. Чунки у халқ бадиий тафаккурининг узок асрлар давомида шаклланиб, тегишли такомилга етган ифодалаш усулидир.

Алишер Навоий ҳақида Ўзбек ва қардош халқлар ижодиётида яратилган ҳикоят ҳамда афсоналарнинг юзага келиши, улардаги талқиннинг ўзига хослиги ва тарихийлик принципининг нечоҳлик аниқлиги ҳамда бу ижодий жараёнда халқ бадиий тафаккурининг иштироки масаласини атрофлича ва теран ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Алишер Навоий ҳақидаги барча халқ ҳикоятлари ва афсоналарининг моҳияти, улардаги ифодалаш усуллари ҳамда тарихий фактлар билан ҳам оҳанглик ана шу ҳикоятдан қувват олади. Ўзининг ибтидосини бошлайди.

Ривоятга кўра, Султон Ҳусайин тобе бўлган Қарши вилоятида сабзавор номли чўл бўлиб у ерда мир деган аҳли фозил бир йигит яшар эди. Кунлардан бир кун у Ўз сурувларидан

мингта йирик ва бўрдоки қўй ажраттириб, хизматкорларига қўйларни Қаршига ҳайдашни буюради. Ўзи эса отда сурвувнинг олдида боради. Мир қўй бозорига бориб, сурувни кузатади. Сурув етказилиб одамлар қўйларга ҳаридор бўла бошлайдилар. Шунда Мир харидорларга қараб:

-Халойиқ, мен қўйларимни савдогарларга ҳам , бойларга ҳам сотмайман. Мен қўйларимни камбаҳал ва софдил кишиларга фақат қарзга бермоқчиман,- дейди.

Ана шундай кишилар топилгач Мир уларга биттадан қўй бериб:

-Биродарлар мен қўйларимнинг ҳақини султон Ҳусайн Ўлган куни оламан,-деб қичқиради ва отига миниб уйига жўнайди.

Бозорда подшоҳнинг айҳокчилари бор эди. Улар воқеани оқизмай томизмай унга етказадилар. Бундан қаҳрланган Султон Қарши чўлга бориб, Ўша Мир исмли йигитни тутиб, Самарқандга келтиришни буюради. Ҳусайн юборган кишилар бойвачча йигитни топадилар. У эса чопарларни яхши меҳмон қилади. Сўнгра, подшоҳнинг амирини эшитиб ҳеч нарса бўлмагандай, чопарларни яхши меҳмон қилади. Сўнгра, подшоҳнинг амирини эшитиб, ҳеч нарса бўлмагандай, чопарларга қўшилиб Самарқандга отланади. Шаҳарга етиб келишгач, султоннинг бир чопари унинг амри бажо келтирилганлиги шоҳга хабар қилади. шоҳ Мирни Ўз ҳузурига олиб келишини буюради. Бойвачча йигит шоҳ билан учрашгач унга эҳтиром билан таъзим бажо келтиради: Султон уни Ўтиришга таклиф этиб:

- Қарши бозорига қўй суруви олиб бориб, қўйларни анқд пулга эмас, балки султоннинг вафоти куни қимматини тўлайсан, деб қарзга сотган сен эмасмисан?-деб сўрайди. У яна:

- Мен сенга нима ёмонлик қилдим, қандай ноҳақлик кўрдинг мendanки, Ўлимни тилайсан деди. Мир ер Ўпиб, эҳтиром билан подшоҳга деди:

Эй бутун олам подшоҳи! Ҳалигача бирор-бир бандам фоний сиздапн зулм кўрдим деб айтаолмайди. Юртимизнинг тинчлиги ва осайишталиги сиз туфайлидир. Менинг қилмишларим эса сизга бўлган самимий ҳурматим боисидир.

-Буни қандай тушиниш лозим?-дейди подшоҳ.

- Менинг сизнинг вафотингиз кунини баҳона қилиб, элга кўй тарқатишимдан мақсад шуки кўй қарз олган бечоралар кечаю кундуз шоҳимиз дард кўрмасиз, деб сизни дуо қилишади. Қарзнинг муддати узок бўлишини истайди. Йигитнинг Ўзи ҳам, сўзи ҳам шоҳга ёқиб қолади. У сарой аъёнларига юзланиб:

- Бу йигит ажойиб сўзлади. Афсуски, у чўлда яшар экан, ваҳоланки, унинг Ўрни саройда бўлиши лозим, дейди.

У муншини чақириб, Мирни вазирликка тайинловчи фармон ёздирди. Сўнгра унга муҳр босиб, мирнинг достори қатига тақиб кўяди подшоҳ Мирга Самарқанд қалъа девори ташқарисидан ажойиб бир бой инъом этади. яйловга Ўрганган йигит шаҳарда зерикиб қолмасин, деб ҳамхўрлик қилади.

Сарой муҳотида Мир аъёнларга хос назокатликни Ўргангани унда шоирона таъб камол топади.

«Бир куни эрталаб ишга бораётиб у томда кир ялаётган гузал қизни кўриб қолади. Миралининг юрагила ишқ тухён уради. У беихтиёр қизининг ҳовлисига киради ва дардини қизнинг отасига айтади. Қизнинг отаси ихтиёрни қизнинг Ўзига солади. Қиз ҳоятда ақлли эди. У отасига:

- Ота агар вазир мени чўриликка сўраса ҳам рози бўлар эдим,-деб жавоб беради.

Шу кеча Мирали тунни саройда ўтказди. Иттифоқо, эрталаб саройда овга чиқиш эълон қилинади. Овга боратуриб беҳосдан султон ҳам қизни кўриб қолади. Овдан қайтгач, ошиқи беқарор бўлган султон қози каломни чақириб, уни Гулининг уйига (қизнинг номи шундай эди) совчиликка юборади:

Қизнинг отаси домулла Солиҳ яна қизнинг ўзига маслаҳат солади. Қиз:

- Ота мен туя эмасманки, икки жойимдан бўҳизлансам,-деб жавоб беради.

Подшоҳ иккинчи марта Миралини совчиликка юборади. Бу галл қиз отасига:

—Мен вазирга канизак бўлишга ваъда берганман. Шу туфайли подшоҳнинг сўзини қабул қилаолмайман,-дейди.

Бироқ Мирали:

-Подшоҳнинг менга марҳамати туфайли ўзимнинг муҳаббатимдан воз кечдим, деб қизнинг подшоҳ никоҳига розилиги олади. Қиз қон йиҳлайди...»

Мирали шартга кўра (у қиз подшоҳ никоҳига рози бўлса, унинг ҳар қандай талабини бажаришга сўз берган эди) наслини ўлдирувчи дори ичади, қиз эса заҳар. . .

Мирали қизнинг иккинчи марта шартини бажариб, қизининг ҳаромидаги уйига кирали. Унинг мен ўлгач, тобутимни кўтар, дуода ёд қил, деган васиятларини эшитади.

Подшоҳ овдан тез қайтиб келади. Канизлар Миралини този итларга овқат пишириладиган қозонга яширадилар. Подшоҳ уни кўриб қолади. Мирали дарвешлар жандосида ҳажга жўнайди.

Гулини ёмон ҳолатда кўрган подшоҳ вазирини-Миралини сўрайди. Унинг Маккага жўнаганини эшитиб, унга Бопдай орқали хат йўллайди. Гули вафот этади. унинг қabri устида икки ошиқ рақиб ярашадилар».

Мазкур афсонага ҳамоҳангроқ бўлган бир ҳикоят проф. Е. Бертельснинг «Навоий» номли рисоласида ҳам келтирилади. Афсонанинг қисқача мазмуни қуйидагича: шоҳ Хусайин Байқаро Ўз вазири Навоий билан овга отланишади. Не тасодифан Навоий йўлда Гули деган бир соҳибжамол қизни кўриб севиб қолади. Хусайин байқаро Ўз дўстининг бу ишқий саргузаштларидан воқиф бўлиб, у қизни ҳаромига олиб келтиришни шахсан Навоийга топширади.

Ҳам дўсти, ҳам шоҳ Хусайиннинг фармони бажариш учун Навоий Гулининг уйига Ўзи совчиликка боради. Навоийни совчи сифатида кутиб олган Гули икки пиёлага шароб қуйиб, бирини шоирга узатади, иккинчисини Ўзи олади. Бир оз муддат ўтгач (35 кун) шоҳ Қаршидаги Гули Навоийни Ўз ҳузурига чақиради ва заҳар ичганлигини, Ўлимига эса беш кун қолганлигини айтади. Гули ҳақиқатга тик боқиб, бу фоний дунёда бир умр вафодор бўлиб қолишини айтади ва шоирдан ҳам ана шундай вафодорлик кутишини айтади.

Маълум бўлишича Навоий ичган иккинчи пиёладаги шароб эрлик хусусиятини емирувчи ёхуд унга заҳмат етказувчи ичмлик экан.

Биз бу ўринда ривоятдаги барча версифларни айнан ҳақиқат дейишдан йироқмиз.

Бироқ ҳар қандай муболоҳа афсона заминида ҳам реал ҳақиқатнинг қолдиқлари мавжуд эканлигини, қатрада олам акс этиши мумкин эканлигини мутлоқ ёддан чиқармаслигимиз керак.

Иккинчидан Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги дил изоҳларидан ҳам Ўша унут бўлаёзган тарихнинг ҳира-шира бўлса-да, нур сочиб турган шуълаларини Ўзича қиммат касб этгандек туюлади. «Алишербекнинг мижози нозук била машҳурдур эл назокатини давлатининг ҳузуридан тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур бу сифат анча жиббий (туҳма) экандур Самарқандда эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур». Шубҳасиз биз «Бобурнома» муаллифининг кузатишлари билан юқорида келтирилган ривоят Ўртасида қатъий тарихий боҳланиш мавжуд, деган фикрни Ўтказмоқчи эмасмиз. Лекин бундай боҳланиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки ҳар қандай эҳтимоллик асосида, оз бўлса-да, қонуний боҳланиш мавжуддир.

Агар Султон Ҳусайин образи билан алоқадорлик эътиборидан соқит қилинса, ҳикоятдаги Мир образининг Алишер Навоий шахсияти билан ҳеч қандай яқинлиги қолмайди.

Чунки тарихий факт нуқтаи назаридан муносабатда бўладиган бўлсак, ҳикоятдаги Мир исмли йигитнинг Бирон бир хислати Алишер Навоий шахсига алоқадор эмасдек туюлади. Бироқ энг муҳими шундаки биз ҳикоядаги бадиий психологик ҳолатга бир бутун борлиқ сифатида қарашимиз керак. Чунки Ҳусайин Байқаро саройида Алишер Навоийнинг хизмат қилганлиги тарихий факт ҳикоятда худди ана шу фарқни Ўта нозиклик билан Ўзгартириб, «Ўта фантастик аниқлик билан тўйинтириш» каби хислат етакчидир.

Гап бу Ўринда детал ва ҳолатларнинг Навоий фаолияти билан боҳлиқ воқеа-ҳодисаларнинг (Навоий фаолияти билан) мос тушишида эмас, уларни халқ бадиий тафаккури ва фантазияси хоҳлаганча Ўзгартириши катта синовдан Ўтказиши мумкин. Ҳолат вазиятлар, тўқнашувлар ҳали Ўта ҳайритабиий тус олиши, Ўқувчини ҳайрон қолдиррарлик даражада Ўзгаришга юз тутиши ҳам табиий ҳаммаси бўлиши мумкин. Бироқ халқ поэтик тафаккури бир нарсага йўл бермайди, у ҳам бўлса, Алишер Навоийнинг Султон Ҳусайн саройига келишининг моҳият нуқтаи назаридан тарихийлик принциpidан ташқарига чиқишга йўл бермайди. Мир, яъни Алишер тадбиркор ва Султон Ҳусайинга Соддиқ (чунки у шоҳга яхшилиқни раво кўради, қўй тарқатиш воситасида унинг узок умр кўришини истайди) инсон сифатида (унинг узок умр кўришини) гавдаланади, бу тадбир орқали унинг асосий мақсади муайян лавозимини эгаллаш, у орқали бойлик орттириш ҳам эмас.

Ана шу асосий чизмқ Гулига бўлган муносабатда ҳам, совчилик воситасида ҳам етакчи бўлиб қолади. Мир ҳамма нарсадан воз кечиши, ҳатто кўнгил қўйган қизи Гулидан Ўзини йироқ тутиши мумкин. Бунинг муайян мантиқий-психологик асослари мавжуд. Акс ҳолда унинг қўйлари тарқатиб «Биродарлар, мен қўйларнинг ҳақини Султон Ҳусайн Ўлган куни оламан» дегани ҳам, вазир бўлиб тайинланиши ҳам Ўта усталик билан амалга оширилган қаллобликнинг натижаси бўлиб қолар эди.

Кўриниб турибдики, халқ Мирдаги тадбиркорлик буюк шоир шохига оид муайян қирраборади. Бунинг учун тарихий ҳақиқатга айнан мос тушувчи детал ҳамда вазиятларнинг бўлиши шарт эмас, энг муҳими. Мир образидаги етакчи хусусият –

тадбиркорлик буюк шоир шахсига оид муаян ҳирраларини очса бўлани. У халқ фарзанди, унинг ардоқлик бўлганлиги учун ҳам унинг характерида олижаноб етакчи бўлиши керак.

Алишер Навоийнинг шахсияти, унинг Ҳусайин Байқаро билан муносабати, саройга кемач, вазир этиб тайинлаши ва ниҳоят, унинг севгилиси Гули тўхрисидаги маълумотлар буюк шоир ҳақидаги тарихий ҳақиқатга айнан мос тушмаса-да, лекин моҳият эътибори билан унга ҳамоҳангдир. Моҳият ҳамоҳанглиги Миралининг таъкидланган уч таянч нуқтадаги хатти-ҳаракатидан келиб чиқади. Қолаерса, бу уч нуқта Миралини тарихий шахс Навоийга нисбат бериш учунгина хизмат қилиб қолмай, шу билан бирга қиссадаги Султон Ҳусайн. Гули образларини бир-бирига боҳлайди, асарнинг композиция яхлитлигини таъмин этади.

Мазкур қисса дастлаб Ўзбек тилида ёзилган бўлиб бизгача этиб келган нусхаси асарнинг номаълум адабиёт ихлосманди томонидан форс тилида ёзиб қолдирилган қисқача мазмунига ўхшайди. Агар шундай бўлмаганда, форсчадан русчага манн таржиманинг охирида: «Тез орда Гули вафот этди ва унинг қабри устида икки ошиқ-рақиб ярашадилар», - жумласи келтирилмаган бўларди. Чунки қиссанинг аввалги қисмида Мирали билан Султон Ҳусайн ораларида Гули туфайли Содир бўлган Рақиблик, унинг сабаблари ҳақида ҳатто ишора ҳам йўқ, эҳтимол бундай муносабат ҳақида қиссанинг Ўзбекча, тўлиқ текстида муайян бир ишора ёхуд эпизод берилгандир. Иккинчидан, форсча текстнинг русча таржимасида: «Орадан бирмунча муддат ўтди ва йигит Султон саройида назокатли сўзлашни ўрганди, унда шоирона таъб камол топди», дейилгани ҳолда Миралининг шоирлик қобилиятини намойиш этувчи бирор-бир далил келтирилмайди. Ана шу икки

эпизоднинг сабаби ва оқибат тарзида пухта ишланмаганлигининг Ўзи ҳам мазкур қисса Ўзига нисбатан каттароқ бўлган Ўзбекча асарнинг форсчага қисқартирилиб Ўгирилганидан далолат беради. Бу Ўринла яна шуни ҳам унутмаслик керакки, халқ оҳзаки ижодиётининг аксарият намуналарида қахрамонларнинг бири-бирига муносабатларини белгиловчи асосий, ҳал қилувчи маментлар, ҳалокатлар аниқ, Ўрни билан бир оз бўрттирилган ҳолда ёритилади. Акс ҳолда уларнинг муносабатларидаги айрича, Ўзига хос йўл тутишларнинг моҳияти очилмай тингловчи учун мавҳум бўлиб қолади. Агар шу Ўринда оҳзаки ижод намуналарини бадийий Ўзлаштириш асосан тинглаш жараёнида амалга оширилган эътибордан соқит қилинмаса юқоридаги қиссанинг қисқартирилганлиги борасидаги бир билдирган мулоҳозаларнинг ҳақиқатга яқинлиги яна ҳам ойдинлашади.

Иккинчидан, қиссанинг ҳозирги вариантыда Мирали Ўта журъатсиз, севги-муҳаббат бобида эътиқоди суёт киши сифатида таасурот қолдиради. Акс ҳолда унинг совчиликка боришини, Гулининг Султон Ҳусайн никоҳига Ўтишини, бунга розилик бериши учун ундаши ҳатто бу ишга қизнинг отаси домла Салиҳни ҳам: «Хар нарса худонинг ҳоҳиши билан бўлади, бандаси чорасиз», -дея ташвиқ қилишини фақат шоҳ билан бўлган дўстлик муносабатлари орқалигина исботлаб бўлмайди. Миралининг шундай йўл тутишига Ўҳ муҳаббатидан воз кечишига сабаб бўлган Ўша нуқта ёки эпизод, яъни шоҳ билан ораларидан бўлиб Ўтган тўқнашув берилганида эди, унинг «Подшоҳнинг менга кўрсатган марҳаматини эвазига мен Ўз муҳаббатимдан воз кечдим», деган эътирофи яна ҳам тиниқ тортиб, ундаги дўстлик,

садоқат каби хислатларни бўрттирар, уларни асарнинг етакчи мотивига айлантирар эди.

Қиссадаги воқеалар силсиласи ва ривожи бўйича Гули Миралини севади (шунинг учун у вазирнинг, канизига бўлишига рози) Мирали ҳам қизни севади, акс ҳолда у Гули берган наслни ўлдирувчи дорини ичмаган бўларди, Султон Ҳасан Гулини севгани ҳолда қиз томонидан бу таклиф рад этилади. Хуллас, жаҳон халқлари оҳзаки ва ёзма адабиётидаги ўша маъум учбурчак ёр, ошиқ ва рақиб, Гули ўзи заҳар ичиб ўлади. Миралини наслсизлик дардига дучор қилади. Натижада Султон Ҳасан канизаксиз қолади. Фақат Мирали хатт-ҳаракатидаги журъатсизликнинг сабаби шоҳ хукми билан боҳлик ҳолда ёритилангида Гулининг Миралидан ўзига хос йўсинда ўч олиши, уни наслсизлик дардига дучор этишининг сабаблари яна ҳам ойдинлашарди. Гулининг хат-ҳаракати, интилишлари ива уларнинг натижасида содир бўлган воқеалар мазкур қиссанинг мазмунини ҳоявий мундарижасини Алишер Навоий ва Ҳасан Байқаро муносабатлари доирасидан ташқарига чақириб юборади. Чунки Гулининг севган кишисини ўлимдан ҳам мудҳишроқ дарс наслсизликка маҳкум этиши биргина шоир ва шоҳ муносабатларидаги зиддиятлар моҳиятини очишга қаратилган эмас.

Мазкур қиссада қаҳрамонлар хат-ҳаракатидаги у ёки бу ҳолатларни акс эттирувчи эпизодлар номаълум сабабларга кўра қисқариб кетган. Қиссада тасвирланишича, Мирали (Алишер Навоий) Ҳисор тоҳлари билан сандикли саҳроси оралиҳида жойлашган Қарши вилоятининг сазовар аталаш чўлларида чорвачилик билан кун кечирувчи бойваччадир. У бир оз

шоиртабиат, ақли комил йигит Мирали мамлакатнинг осойишталиги ва хавсизлиги таъмин этгани учун Самарқанд подшоҳига Султон Ҳусайинга эътиқод қилади ҳамда Ўз тадбиркорлиги натижаси Ўлароқ саройга яқинлашади, вазир этиб тайинланади. Одил хукмдор тарафдори сифатида халқни ҳам шу йўлга тарҳиб этади.

Кўриниб турибдики, қиссада Алишер Навоийга нисбатан берилувчи энг асосий жиҳат шоирлик ҳам четлаб ўтилган. Иккинчидан, Миралининг чорвадор бойвачча йигит деб талқин этиши яна узоқлаштиради. Ва қолаверса қиссада Миралининг Гулига ҳам Ўх тақдирига бефарқлиги, муҳаббатдаги журъатсизлиги бу қаҳрамон реал тарихий шахс Алишер Навоийдан яна ҳам узоқлаштириб, бегоналаштириб юборди. Бироқ булар масаланинг бир томони холос, Бизнингча, асосий гап халқ оҳзаки ижодида мазкур қиссанинг яратилиш сабаблари унинг юзага келиш илдизларидир.

Алишер Навоий ва Ҳусайн Байқаро муносабатидаги Ўзига хос паст-баландликларни, зиддиятларни ёритишда машҳур ёзувчи ва олим Берди Кербобоевнинг «Мирали» тўпламига киритилган «Сўлди гул, нетмк керак?» ҳикояси ҳам характерлидир. Ҳикояда Навоий ва Ҳусайн Байқаро муносабатларининг тарихий ҳақиқатга нечоҳлик яқин ёки ундан йироқ талқин этилганлигини аниқроқ тасаввур қилиш учун биз унинг Ўзбекча тестини М. Шариповнинг «Навоий ва адабий алоқалар» китобидан тўлиқ келтирамиз.

Султон Суюннинг (Ҳусайн Байқаронинг) бир қора от ива Гул деган бир хотини бор экан. Хон уларни бутун дунёга тенглаштираркан. Султон уларнинг Ўлимини ҳатто тасаввур ҳам қила олмас экан. Бир куни у вазирларини чақиртирибди:

- Кимда ким қора отим билан Гулиннинг Ўлим хабарини келтирса, унинг ҳаёти хавф остида қолхусидир дебди. Жон бор ерда Ўлим бор. Кунлардан бир кун қора архумоқнинг бўҳзига нимадир тиқилиб ўлиб қолибди. Вазирлари бу хабарни қандай йўл билан Султон Суюнга етказишларни билмай бир иложини қилар, деб Мир Алишерга мурожаат қилишибди. Мир Алишер Султон Суюннинг олдига келиб, бошини қуйи солиб, ҳамгин суратда тураверибди, Султон Суюн ундан:

- Қани Алишер, бу қанақанги туриш! Сенинг бундай аҳволга тушганингни ҳеч кўрмаган эдим. Сабаби нима экан?-деб сўрабди. Алишер бошини кўтариб шеър билан жавоб берибди:

Қора отингиз ёшипти,
Қорнига қозиқ бошингни
оёқларини отипти
Қулоқлари қотипти.. .

Шунда Султон Суюн унинг сўзини кесиб:

- Ҳа, Ўлди деб қўлқалсанг бўлмайдими!

Алишер жавоб берибди:

-Султоним, «Ўлди» хабарини ўзларидан эшитиб турибмиз.

-Султон Суюн бир оз бошини қуйи солиб ўтирибди-да

-Шу билан, сенинг жонинг хавф остида демоқчимисан?-деди

-Йўқ, Султоним, ўз жонимни ўлимига тутиб беришни истамадим, деб жавоб берибди Алишер

-Зарари йўқ, қора от ўлган бўлса, бўз от бор-ку!-дебди подшоҳ.

Аяган кўзга чўп тушар деганларидек, Султон Суюннинг энг яхши кўрган хотини Гул ҳам қазо қилибди. Вазирлар бу хабарни ҳам Султон Суюнга айта олмасдан, яна Алишерга яқинлашибди.

Навоий Султон Суюннинг олдига бориб, бош эгиб:- Рухсат дебди
 Султон Суюн: Сарв оҳочнинг соясида сўлса гул нетмак керак?

Султон суюн ҳам унга шеър билан:

Сарвдан тобут ясаб, гулдин кафан этмак керак

Деб жавоб берибди-да, юрагининг қаттиқ уришидан қисқа-
 қисқа нафас олиб дебди:

- Оҳ, Гул Ёлди, десанг бўлмайдим ахир!

- Гул Ёлди деб айтай бўлмайдим ахир!

- Гул Ёлди, деб айтай десам, Ўз Ўлимим кўз олдимга келди,
 шоҳим-дебди Мир Алишер. . .

Ҳикояда Султон Суюннинг фақат шоҳгина эмас, шу билан
 бирга иқтидорли шоир ҳам эканини кўрсатиш учун унинг суюкли
 хотини Гули вафоти муносабати билан ёзган шеъри ҳам берилган.
 Бу тўрт банддан иборат бўлган мухаммас бевосита Мир Алишер
 ва Султон Суюн (Ҳусайн Байқаро) муносабатларига янгироқ бир
 талқин руҳини баҳм этмагани учун биз мазкур шеърий парчани
 тушириб қолдирдик.

Қардош халқлар, жумалдан, туркман халқ оҳзаки ижодида
 Навоий образнинг талқини Ўзига хос, шу халқнинг тарихи
 маданияти билан ҳамоҳанг равишда юзага келган. Туркман халқи
 ижодиётида ҳам биз яна Ўша шоир таржимаи ҳолига оид тарихий
 далилларнинг Ўзгартирилиши ҳодисасига дуч келамиз.

Мазкур ҳикояда Навоий ва Ҳусайн Байқаро
 муносабатларидаги муайян тарихий аниқликкина эмас, ҳатто Мир
 Алишернинг шоҳ саройида татган мавқеа-вазирлиги Ўзгартишга
 учрайди.

Гап шу мавзу устида, яъни Алишер Навоий Ҳусайн Байқаров
 ва Гули образлари яратилган асарлар ҳақида борар экан, худди шу

мавзуда усмонли турк халқи орасида шоён бўлган бир асарни ҳам назардан қолдириб бўлмайди. Кўзда тутилаётган асар «Гул ила Алишер ҳикояси» сарлавҳали дoston бўлиб, унинг қисқартирилган варианты профессор И. О. Султановнинг сайъ ҳаракати туфайли «Шарқ юлдузи» журналининг 1985 йил 12 сонида босилиб чиқади. Бу дoston 1941 йилда ошиқ бахши Мудомий хотираси асосида ёзиб олиниб, Туркияда Чоп этилган. Алишер Навоийнинг шоир, олим, йирик давлат арбоби сифатида ҳали хаётлиги давридаёқ шарқнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан Туркияда машҳур бўлганлиги ҳақида қатор тарихий ҳужжатлар мавжуддир. Хозирги замон турк адабиётшунос олим Огоҳ Сирри Левенднинг «Алишер Навоий» сарлавҳали тўрт жилдли китобининг биринчи жилдида маълумот берилишича, Навоийнинг шеърлари Баезида замонида Баерий номли киши томонидан Стамбулган келтирлади ва шоирнинг шуҳрати ёйилади. Навоий Туркияда фақат шоир балки давлат арбоби сифатида ҳам шуҳрат қозонади. Шоир вафотидан кейин Туркияда ҳам унинг истеъдоди ва шахсини, давлат арбоби сифатидаги иқтидорини улўхловчи бадий асарлар яратилади, илмий-тадқиқот ишлари юзагаг келади.

Эслатганимиз дoston Ўз хоявий мундарижаси ҳамда воқеалар ривожига, иштирок этган қаҳрамонларнинг Ўзаро муносабатларига кўра проф. А. А. Семёнов топган қиссага жуда яқин туради. Шунинг учун ҳам уни Алишер Навоий ҳақида кенг тарқалган мазкур қиссасининг қайта пухтароқ ишланган поэтик интерпретцияси дейиш ҳам мумкин. Анъанавий сюжетни қайта ишлаш жараёнида айниқса, Алишер Навоий образи талқинида муайян Ўзгаришлар юзага келган.

Иккинчидан, Алишер Навоий образининг мазкур поэтик интерпретцияда муайян мукамаллик касб этишини асарнинг ёзиб олинган даври 1941 йил билан изоҳлаш мумкин. Бу даврда келиб фақат шоирнинг асарларигина эмас, унинг шахси ҳақидаги маълумотлар ҳам Туркияда кенг тарқалган эди.

Достонда тасвирланишича, Мир Алишер қиссада баён этилганидек Қарши вилоятининг Сабзаров чўлида эмас, балки Самарқанд кўрхонида яшайди. Фақат тез ойларидagina Самарқанд вилоятида қарашли Сабзавор номли қирга кўчиб чиқар эди. У қоралашлари кўп давлатманд киши бўлиб, асосан нурларни безора ҳайдатар эди.

Достоннинг дастлабки эпизодларида Мир Алишер Жўмард, фақирпарвар, андишали, тўхри сўз йигит сифатида талқин этилади. У Самарқанд бозорига Ўз молларини ҳайдатиб келгач, савдагорлар, афсоналар унинг атрофини ўраб олади, шунда Мир Алишер молимни фуқарога ҳадя этаман, дейишдан тартиниб бойзангин билан савдо қолмайман, улар билан олиш-беришим йўқ, фақат фуқарога сотаман деб жарчи солади.

Мир Алишернинг хатти-ҳаракатларида ўта нозокатлилиқ ва мулоҳозакорликни сезган шоҳ уни вазирликка тайинлайди, боҳ ҳадя этади. боҳда Алишер ўй ҳурдириб, боҳнинг чиройини очади.

У тушдан кейин гоҳида овга чиқар экан, бир куни кўза кўтарган қизга дуч келиб, уни севиб қолади ва бадихатган шеър айтиб, қизга муҳаббат изҳор этади.

Достондаги воқеалар тизмаси ҳамда вазиятлар қиссадагига нисбатан ишонарлироқ, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари тасвири ҳам ҳаётийроқ чиққан. Достонда баёнга нисбатан қаҳрамонларнинг хос-хусусиятларини очишга хизмат қилувчи

ҳолатлар тасвирини бериш етакчилик қилади. шоирнинг қиз билан учрашиб қарши эпизоди траҳлилида буни аниқ тасаввур этиш мумкин. Шоир қизнинг гўзаллигидан ҳайратга тушиб уни гулга қиёслаб шеър айтади. Иттифоқа қиз ҳам шеър воситасида жавоб қилади.

Кўриниб турибдики, Ўз исмини айтиб таништирибгина қолмай, кўнглида кечаётган талоумлардан ҳам Алишерни огоҳ этмоқда. Асарда Алишернинг ҳам инсон, ҳам шоир сифатида Ўта нозиктаъблигига алоҳида эътибор берилган. «Нолакор булбулам, гула келишали» сатрининг заминидаги мажозий-психологик ҳолат «Куним йилга тенгдир, соатим ая» мисрадаги қаҳрамон руҳиятини, унинг қалбида кечаётган толатумларнинг моҳиятини яна ҳам теранглаштиради. У Ўта нозиктаъб шоиргина эмас, Ўз дардини, дил изтиробини ҳар қандай ҳолатда ҳам очавермайдиган, мабода шу дардни тан олиш муҳаррар бўлиб қолганда эса, «нолакор булбул»га айланиб у ҳақда фақат куйлай оладиган ошиқ сифатида гавдаланади. Шу Ўринлардаги Алишер ҳолати буюк шоир ҳазалларининг бирида ифода этилган «ақли дард»ни ёдга солади.

Мазкур сатрларнинг моҳияти халқ достонидадаги «нолакор булбул» нинг ҳолату хусусиятига Ўта ҳамоҳангдир. Биз бу Ўринда дostonни ёзган бахши буюк Алишер Навоийнинг айнан шу сатрларидан фойдаланган, деган мулоҳазани билдиришдан йироқмиз. Бироқ «нолакор булбул» нинг хос хусусиятларини очишда умуман Навоий лирикасининг мутлоқ таъсирини кўрмаймиз, дейиш ҳам халқ ижодиётининг табиатини ижод жараёнининг характерини бир ёқлама талқин этиш бўлар эди. Қолаверса гул ва булбул мотивининг Шарқ шеърлятида узок асрлик ва теран анъанага эга эканлигини ёддан чиқармаслиги

лозим. Дард ҳақидаги юқорида келтирилган сатрларда (ахир дардим бўлгани учун «нолакор булул») Ўзаро ички мохият хахонлиги бор. Буни инкор етиб бўлмайди. Бадиий асарда, у халқ ижодиётига ёхуд шоир, носир қаламига мансубми, бундан қатъий назар, хаётдагидек ҳеч нарса сабабсиз содир бўлмайди. Содир бўлдим, демак унинг оқибати ҳам бор.

Достондаги воқеалар тизими қиссадагидек ривожланади. Ўлими яқинлашган. Гул яна Ўзига хос Ўша поклик рўй-ростлик билан Алишерни чақиртириб, унга вассият қилади. Ўз севлигисининг иложсиз қисмати учун Ўзини ҳам гуноҳлар деб билан Алишернинг жавоби бундан ҳам мунглироқ, бундан ҳам фожиалидир.

Алишер Гулининг йнидан чиққач, дарвеш либосида Байтуллога хажга отланади. Бироқ шоир ниятидан воқИФ бўлган Хусайн унинг ортидан нома йўллаб, хаж сафарини қолдиришни вазирдан илтимос қилади.

Достоннинг Алишер ва шоҳ муносабатига баҳишланган ана шу эпизоди тарихий ҳақиқатга оз бўлса-да мосроқдур. Маълумки Алишер Навоий умрининг охирларига саройидаги низолар, ижтимоий-сиёсий воқеалар таъсирида руҳан чарчаб, бир чеча бор хаж сафарига отланган. Хусайн Байқаро эса мамлакат асоишталиги учун сафар ниятидан қайтишини ундан илтимос қилган. Хактери томони шундаки юқорида эслатилган қиссада мазкур эпизод мутлоқа йўқ. Қолган аксарият эпизодлар ва ҳатто қахрамонларнинг исмларигача қиссадги аниқлик сақланган ҳолда, Алишер Навоий хаётига оид мазкур тарихий фактнинг поэтик ишора тарзида бўлса-да достонга киритилишининг муайян сабаблари бор.

Мазкур эпизоднинг дostonга киритилиши Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига алоқадор маълумотларнинг унинг шоирлик шуҳратига нисбатан қийноқ тарқалганини яна бир қарра исботлайди. Дostonга нисбатан олдиноқ яратилган қиссага ҳамда Мирали ва Султон Суюн тўхрисидаги асарга бу факт киритилмаганлигининг яна бир сабаби бор. Қар олдинги икки асарда ҳам Гули унга бўлган мухаббат туйфули шоҳ билан шоир ўртасидаги муносабат зиддият тусини олмайди. Қиссада тасвирланишича, Алишер Султон Ҳусайинга бурчдордир. Шунинг учун унинг измида Султон Суюн ҳақидаги асарда эса Гули шоҳнинг хотини тарзида талқин қилинади ва бутун асарнинг мотиви Миралининг зукколигини, донолигини очишга йўналтирилади.

Дostonда Навоий образининг талқини оптимистик тугалланмаган эгадир. Гули вафот этгач, Алишер дарвешлик ҳассасини тутмайди. У Гулининг қабрини зиёрат қилиб туради. Бу унинг учун хаж зиёрати вазифасини ўтмайди. Қар тонг чоҳи эса оташнафас булбулдек дилтортар шеърлар ёзади.

Кўриниб турибдики, Ўзбек халқ оҳзаки ижодида Алишер Навоий ўзига хос шаклдаги буюк инсон сифатида талқин қилинган. Навоий ҳақидаги афсонада Навоий, Гули, Ҳусайн Байқаро муносабатлари реал ҳаётга мослаштирилган. Қайси бир ривоятни дoston ёки қиссани олиб кўрайлик унда унинг ишларига ҳурмат нафақат юксак жонлигини кўз олдимизга келтирамиз.

Навоий шахсига ҳурмат туркман халқида ҳам жуда юқори. Биз бу ҳақда битирув малакавий ишимизнинг навбатдаги учинчи бобида сўз юритишни назарда тутамиз.

III-БОБ

МИРАЛИ (НАВОИЙ) ТУРКМАН ФОЛЬКЛОРИДА

Қардош туркман халқи Алишер Навоийни доимо улуҳ бир инсон, донишманд ва тадбирли давлаб арбоби, камбаҳалларнинг манфаатларини қўриқлагач гуманист шоир, адолат ва ҳақиқат учун курашувчи олижаноб ва сахий киши қиёфасида тасаввур қилган. Буюк истеъдодли, заковатли шоирнинг ана шу улуҳ

фазилатлари ҳақида туркман халқи бутун бир туркум ҳикоят ва латифалар яратган. Узоқ асрлар давомида халқ томонидан ижод қилинган бу ривоятлар бизнинг кунларимизгача ҳам етиб келган, туркман ва Ўзбек халқларининг дўстлик рамзига айланиб, интернационализм ҳояларига хизмат қилмоқда.

Алишер Навоий ҳақида туркман халқи яратган афсона, ривоят, латифаларни тўплаш, уларни нашр эттириш соҳасида машҳур шоир ва ёзувчиларнинг адабиётшунос олимларнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовардир. Айниқса бу ўринда Берди Кербобоев, Мати Кўсаев Панжи Оҳалиев сингари адиб ва олимларнинг турли йилларда Мирали туркум халқ афсоналарини ёзиб олиш, нашрга тайёрлаш кенг ўқувчилар оммасига тортиқ этиш бўйича олиб борга тадбирлари ибратлидир.

Навоий тўҳрисидаги ривоятлар биринчи марта 1941 йилда «Мирали ва Султон Суюн» номи билан алоҳида китоб ҳолида Чоп этилди. Тўпламни фаольклоршунос олим П.Оҳалиек нашрга тайёрлади ва унга сўзбоши ҳам ёзди. Сўз бошида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига қисқача таъриф берилган бўлиб, айтиш чоҳда тўпламга кирган Мирали номи билан боҳлиқ ҳикояларнинг ҳоявий йўналиши хусусида ҳам фикр билдирган. Гарчи, мазкур китоб камчиликлардан холи бўлмаса-да, туркман халқини Навоий ижоди, у ҳақидаги ривоятлар билан таништиришнинг биринчи тажрибаси сифатида катта амалий аҳамиятга эга бўлади.

Навоий ҳақидаги афсоналар иккинчи марта 1948 йилда Берди Кербобоев таҳрири остида «Мирали» номи билан ўн беш минг нусхада нашр этилди. Мазкур тўплам ҳар жихатдан мукаммал бўлиб, у янги йзиб олинган ривоятлар афсоналар

хисобига бойтилган. У китобга ёзилган сўзбоши Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий биографияси ҳақида нисбатан тўла ва манба сифатида алоҳида аҳамият касб этди.

Берди Кербобоев фақат Алишер Навоийнинг таржимаи холига доир фактларни саналарни қайд этиш билангина чекланмайди, балки ижоди ҳақида, хусусан «Хамса» достони тўхрисида кенгроқ маълумот беришга интилади. Навоийнинг туркман адабиётига таъсири ҳақида ҳам ибратли фикрларни билдиради.

Мирали туркум ҳикояларининг яратилиги тарихи, ёзиб олиш манбалари хусусидаги адибнинг мулоҳозалари самимий вақизикарли, Б. Кербобоев бир ўринда Алишер Навоий исмининг туркман фольклорида Мирали шаклида қўлланишликнинг сабабини шундай изоҳлайди. «Навоийнинг исми «Али» бўлиб, «Мир» ёки «Амир» унинг хизмат лавозими. Лавозимни англатадиган бу сўзлар унинг исмининг олдида қўшилиб «Мир Али» деб юритилади. Туркман халқи бу икки сўзни қўшиб, уни Мирали деб атай бошлаган».

Б. Карбобоев «Мирали» китобидан жой олган кўпчилик ривоятларни ўзи тўплаган ва уларга ўзи сайқал берган. Чунки ёзувчи Навоий ижоди билан қизҳин шуҳулланиб юрган йилларида Мирали ва Султон Суюн ҳақида халқ тўқиган афсоналар Туркменистонда жуда машҳур эди. Тўй ва базмлар, тонготар кулги оқшомлари Мирали ҳақидаги ҳажвий ривоятларсиз ўтмаган.

Ана шундай даврларнинг шахсан гувоҳи бўлган Б. Кербобоев «Мирали» тўпламининг сўзбошида қуйидагиларни ёзиши бежиз эмас эди: «Мирали ва Султон Суюн» тўхрисида халқ тўқиган ривоятлар, латифалар туркман халқи орасида юзлаб-

минглаб топилади. Менинг ёдимда кишилар Мирали ва Султон Суюн ҳақидаги ривоятлар тингловчиларга завқ баҳишларди, уларнинг маънавий тарбиясига зеҳнининг Ўткирлашувига дунёқарашининг кенгайишига катта фойда беради.

Ушбу «Мирали» китобига ҳаммаси бўлиб йигирма ҳикоят кирган. Бу ҳикоятларининг баъзилари Ўзбек тилига ҳам Ўгирилиб газета ва журнал саҳифаларида эълон қилинган. 1963 йилда эса «Ёш гвардия» нашриёти Мирали ҳақидаги ривоятларни тўплаб, «Туркман юмори» деган ном билан алоҳида нашр этди. Биз асосан, ана шу манбалардаги ҳикоят ва ривоятлар юзасидан фикр юритамиз. Зарурат тухилган пайитдагина туркман тилидаги манбаларга мурожаат этамиз.

Туркман халқининг Алишер Навоий ҳақида тўқиган ранг-баранг. Шоирнинг камтапинлиги ва сахийлиги донно ва эпчиллиги тўхрисада ҳикоя қилувчи «Кўрпангга қараб оёқ узат», «Подшо Ўларига», «Мирали билан савдогар», «Осмоннинг оқ товуҳи» каби ривоятларда Навоий Ўлмас халқ қаҳрамони-Афандини эслатади. Унинг шўхлиги, донишмандлиги, доимо Рақибни устидан холиб келиши тадбиркорлиги Афанди ҳаракатларига Ўхшаб кетади. «Подшо Ўларига» номли ҳикоятнинг мазмуни бу фикримизни тўла тасдиқлайди. Маридан Султон Суюн саройига борадиган йўлда Мирали бозорда бир қанча қўй сотади. Харидорлар қўйнинг пулини Султон Суюннинг Ўлимидан кейин тўлашлари керак эди. Бу ҳақда айҳоқчилар хабар топиб ҳазабга келган Султон Суюн Миралини ҳузурига чақиради ва дейди: «Нега сен менинг Ўлимимни тилайсан?!-Шоҳим,-дейди Мирали-бугундан бошлаб умрингизнинг боқий бўлиши худодан илтижо қиладилар. _миралли,

хиктоб қилади Султон Суюн-бугундан буён сен менинг бош вазиримсан».

Мазкур латифада Алишер Навоийнинг ҳақиқат адолат жарчис, камбаҳал одамларнинг ҳимоячичи эканлиги яхши ифодаланган. Донологи туфайли қалтис вазиятлардан ҳам қутулиб кета оладиган тадбиркор шахс бўлганлиги бошқа ривоятларда ҳам таъсирли ҳикоя қилинган.

Жумладан, «Нетмак керак» деган ривоятда шоирнинг энг мураккаб ҳолат ва охир вазиятлардан усталик билан йўл топиб чиқиб кета олиш қобилияти ёрқин гавдалантирилган: Султон Суюннинг Гул деган севимли хотини бор экан. Шоҳ уни ҳамма нарсадан азиз билан экан. Султон Суюн унинг ўлимини ҳатто тасаввур ҳам қилмас экан. Бир куни Султон Суюн вазирларини чақириб: «кимда ким Гулининг ўлим хабарини келтирса, унинг ҳаёти хаф остида қолхусидир дебди. Аяган кўзга чўп тушар деганларидек, кунлардан бир куни Султон Суюннинг севимли хотини Гул қазо қилибди. Вазирлар бу хабарни Султон Суюнга айтолмасдан Мирали яқинлашибди. Мирали Султон Суюн олдига бориб, бош эгибди.

-Агар султоним ижозат берсалар, шоирингиз бир мисра шеър билан мурожжаат қилмоқчиман.

-Рухсат,-дебди Султон Суюн.

-сарв оҳочнинг соясида сўлса гул нетмак керак?

Султон Суюн ҳам унга шеър билан:

-сарвдан тобут ясаб, гулдан кафан этмак керак,-деб жавоб берибди-да юрагининг қаттиқ-қаттиқ уришидан қисқа-қисқа нафас олибди ва дебди:

-Оҳ! Гул ўлди, десанг бўлмайдими охир!

-Гул Ўлди, деб атай десам Ўз Ўлими кЎз олдимга келди,
шоҳим деди-Мирали»

КЎриб турибсизки, бу ҳикоятда ҳам Мирали Ўзининг Ўткир ақли ва фаросати, назми билан шоҳни мот қила оладиган бир улух сиймо сифатида гавдалантирилган.

«Ким айбдор», «Юлдуз кЎрган», «Гулдор хотин», «Гул ва Султон Суюн», «Ким ҳақ», «Мендан ҳам шунча» ва бундан бошқа яна бир неча ривоятларнинг мазмунида Алишер Навоий таржимаи қолинг «оқ доҳлар»ни тЎлдиришга хизмат қиладиган, шоир шахсияти ҳақида муайян тасаввур берадиган ҳаётий манзаралар анчагина бор.

Туркман халқи тЎқиган барча ҳикояларга Алишер Навоий энг яхши инсоний фазилатларга эга бўлган киши сифатида тасвирланади. У гоҳ халқпарвар шоир, гоҳ адолатпарвар давлат арбоби, гоҳ бева-бечораларнинг холоскори, гоҳида эса адолатсиз шохларни донологи битлан маҳлуб қиладиган зукко шахс сифатида кЎринади.

Биз Навоий ҳақидаги «Думли юлдуз», «Мирали ва Султон Суюн», «Полдор хотин», «Кечир дЎстим», «Гуллар қаерга сарфланаяпти», «Ким ҳақ» сингари афсона, ривоятлар мазмунида ана шундай бефорасат ва золим шохларни лол қолдирган, хасси ва ярамас савдогарларни фош қилган, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаган зийрак Миралини кЎрамиз. Қуйидаги «Гуллар қаерга сарфланаяпти» номли афсона Миралининг халқпарварлиги, камбаҳалпарварлиги ҳикоя қилинади: «Мирали билан Султон Суюн илагридан таниш бўлишсада подшо дЎстиникига бирор марта ҳам меҳмонг бўлиб кирмаган экан. Кунларнинг бирида, подшо Миралининг уйига бормоқчи бўлди. Қўлингиз тортса

жоним билан деб Мирали розилик билдиради. Подшо вазирнинг уйига келади. Бош вазирнинг жойномози йиҳиштириб олинган мачитнинг Ўзи. Қабристондек қувиллаб турибди. Жулдур тўшакдан бошқа бирор нарса йўқ. Миралининг хотини уйининг бир бурчагида ип пиштиб ўтирибди. Султон Суюн ҳайрон қолади. Бу кимнинг уйи,-деб сўрайди у. Бош вазирники, султоним деб жавоб беради хотини,-Ажабо мен унга ҳар ой юз тилла бераман-ку, нега шу қадар ҳарибсизлар,-дейди Султон Суюн. – Худоба шукур, тан жонимиз соҳ, ишлашга қурбимиз етади. Кунимиз ўтиб турса бўлгани, сиз тўлаётган пуллар мазмунидан яна ўз эгаларига қайтаяпти,-эҳтиром билан жавоб қилади Миралининг хотини. –Ҳайронман, ахир бош вазирга мен ҳар ойда бераётган юз тилла қаёққа кетаяпти такрор сўрайди Миралидан подшо. – Ташқарига чиқайлик, ҳаммасини тушунарсиз, султоним дейди гапни қисқа қилиб Мирали, йўлда кетаётиб, Мирали подшога агар у воқеанинг тагига тезда етмоқчи бўлса, кийим бошлари ва отини алмаштириб олиши лозимлигини айтди. Султон Суюн кўнди. Улар шаҳар атрофида гадов а майиб-мажруқлар яшайдиган маҳллаларга боришади. Подшонинг отини миниб, кийимларини миниб олган Миралига ҳеч ким эътибор бермас, аксинча Миралининг кийим-бошларидаги Султон Суюнни оламан ўраб оларди. Кимдир, отининг юганини ушлаби, -олганлар унинг қўлтиҳидан кўтарганларига авайлаб ерга туширишди. Ҳар томондан: «Ассалом Мирали», «Нури дийдамиз, холоскоримиз, худо умрингизни узоқ қилсин!» деган хитоблар эшитиларди.

-Мирали биродар!- ёл ворди Султон Суюн,- мени оламан ичидан олиб чиқмасангиз бўлмайди. Мен тўлаётган пулларни остида қолаётган мажруҳлар бир оз тинчгинларидан кейин Мирали

уларнинг ҳол-аҳволи сўрагани Султон Суюннинг ўзи келгани айтганда, ҳамма подшрни янада зичроқ қуршаб олади. Улар Султон Суюннинг этагини ўпиб, сажда қилишади. Султон Суюн яна Миралига ялинади: - Худо хайрингизни берсин, айтганингизни бераман, аммо мени бу ташвишдан холос қилинг, кетайлик! Бу бахтсизлар учун уй қуриб, уларни хазинангиз ҳисобига боқишга ваъда қилсангиз. . . Бу ердаги жуда бадбўй исдан подшо кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланган подшо Миралининг ҳимоячисига ҳам янги уй қуриб бераман».- деб қўшиб қўяди.

Туркман халқи ижод этган бу воқеа, гарчи афсона бўлса-да, унинг негизида ҳаётда ҳақиқатига яқинлик, шоир шахсига оз бўлса-да ўхшашлик бор эканлиги кўриниб турибди. Мазкур ривоятда халқ бахт саодати учун курашган ва ижод қилган, бутун ҳаёти ва асарларини ўз халқига баҳишлаган буюк Навоийнинг халқпарварлиги афсона либосида бўлса-да, шоир шахсиятидаги инсоний фазилатларга яқинлаштириб, мувофиқлаштириб тўқиган.

Туркман халқининг улуҳ Навоийга беқиёс муҳаббатини ифода этадиган яна бир ривоятга эътиборингизни қаратамиз. «Мирали ва Султон Суюн» деб номланадиган бу афсона туркман тилидаги фольклор асарлари орасида ҳам, ўзбек тилидаги фольклор асарлари орасида ҳам учрайди. Масалан, у 1968 йилда «Ёш гвардия» нашриётида Чоп этилган «Доно Алишер» деган китобга кирган. Бу афсона худди шу нашриётда 1963 йилда босилиб чиққан. «Туркман юморлари» тўпламидан жой олган «Мирали ва Султон Суюн» сарлавҳали афсонадан мутлоқа фарқ қилмайди, бир-бирига айнан ўхшайди, жумлама-жумла, ҳато сўзма-сўз тўхри келади, «Донно Алишер» китобининг «Изоҳлар» бўлимида мазкур афсонага берилган қуйидаги изоҳни ўқийсиз:

«Мир Алишер ва Султон Ҳусайн, Айтувчи Мадроҳим Матниёзов, ёзиб олиб Насрулло Собуров, Хоразм область, Ҳазоросп райони. Буни филология фанлари кандидати Мансур Афзалов «Ўзбек халқ ижоди» сериясидаги «Олтин олма» деган эртақлар тўпламида нашр этган». Назаримизда, бу афсонанини туркман халқи тўқиганлигига шубҳа йўқ. Гарчи у Хоразмда ёзиб олинган бўлсада, унинг бир илдизи Туркменистон билан тўғиз боҳланган. Чунки узоқ асарлар давомида Хоразмда воҳида қўшни бўлиб яшаб келган Ўзбек ва туркманларнинг ҳаёт тарзигина эмас, тили, маданияти, айниқса, халқ оҳзаки ижодида умумийликлар жуда кўп эди. Хоразмда тўқилган афсоналарнинг туркманлар орасида, Туркменистонда яратилган ривоятларнинг Хоразмда кенг тарқалиши бу икки воҳа халқлари фольклорининг бир-бирига анча яқинлашишига сабаб бўлган. Махтумқули ҳақида Хоразмда яратилган ривоятлар, Навоий тўғрисида Туркменистонда тўқилган афсоналар ва уларнинг ҳар икки территорияда, ҳар икки халқ ўртасида тенг даражада оммалашиб юриши бу фикримизга реал далил.

Энди асосий масалага қайтиб, «Мирали ва Султон Суюн» ривоятининг мазмуни билан танишиб чиқайлик, Аввалошуни қайд этиш лозимки, мазкур афсонанинг баъзи ўринлари Алишер Навоийнинг шахсига доир тарихий фактларга ҳам ўхшаб кетади. Шу босидан биз унинг мазмунини тўла келтиришни айрим эпизодларни шоирнинг реал таржимон ҳолига солиштириб кўришни лозим топдик, бундан бир неча юз йил аввал Эронданми, Туронданми, Хуллас, бир мусулмон юртида бир подшо бўлибди. Унинг оти Султон Суюн экан. Ўзи илми, ўқиган, оқ-қорани таниган улу-кишилар авлодидан экан. Унинг бир вазири бор экан,

у хам Ўқиган, оқ-қорани таниган, подшо билан бир мадрасада Ўқишган экан. Унинг оти Мирали экан. Вазирини подшо, подшони вазир яхши кўрар экан, лекин подшонинг уламо-пуламо, қози-позилари, хуллас, бошқа амалдорлари буларнинг Ўртасидаги яхшиликни кўролмас эканлар. Мирали подшонинг ёнидан йўқ қилиб юборишининг чорасини ахтариб, охири уламо, қози муфтилар уни қудуқ ичига ташлабдилар. Султон Суюн бўлса, бундан хабари йўқ экан, лекин Мирали йўқлиги учун бир нарсаси йўқолган кишидек.

Ҳар куни бир байт шеър айтиб юрар экан. Султон Суюннинг бу шеърларини шу элатда бир чўпон эшитиб ёдлаб олибди-да бўлса-бўлмаса, дус келган ерда айтиб юра берибди. Кунлардан бир кун чўпон бир қумликка бориб, қудуқнинг бўйида байтни ёд айтибди. Қудуқнинг ичида ҳолсизланиб тган Мирали шеърнинг Султон Суюнники эканлигини даров билибди. Шунда қудуқнинг ичидан овоз берибди.

Шу вақт чўпон дарров қудуққа қараб, ичидаги Мирали эканлигини билиб, уни тортиб олмоқчи бўлибди. Мирали айтибди: - Мени сен бу ерда қолдиравер. Ўзинг подшонинг даргоҳига бор, агар подшо яна: Агар подшо: «Сен буни қаердан билдинг?,-деб сўраса, сен совинчисини олиб, менинг бу ерда ётганимни билдир, дебди. Чўпон шу замон Миралининг сўзларини кўнглига ёд олиб. Султон даргоҳига бориб, секин қараса Султон Суюн: Ўтирганмиш. Шунда чўпон Султон Суюн даров чўпонни ёнига чақириб:- Сен бу сўзни қаердан билдинг,- деб сўрабди. Чўпон айтибди: - Бу сўзни Ўрганиш учун қанчадан-қанча молимдан айрилдим, бу бир соҳибқироннинг ҳазали. Султон Суюн! – Айт, айт, унинг қаерда борлигини айт совинчинг учун бир жам олтин, - дебди. Шунда

чўпон айтибди: - Бир яхши кишининг баҳоси бўлмайди, агар сенга керакли кишим бўлса, унинг бошига ҳасрат солганларни жазога лойиқ кўрмоқ керак, Султон Суюн даров уламо, вазир, казов а мулаларни йиҳиб, ҳар қайсисига қирқ қамчи урдириб, Миралини тахти равонга солиб келтиришни бюрибди. Шундай қилиб Мирали билан подшо яна топишибди. Бечора чўпон эса мамнун бўлиб, у ҳам яшай берибди». Шунинг учун айтар эмишлар:

Бу афсонанинг замирида Алишер Навоийнинг хилма-хил воқеаларга бой ҳаётига доир реал деталлар бор. Навоий тақдиридаги фалокат худди ривоятда тасвирланган шаклда юз бермаган бўлса-да қачонлардир улуҳ шоиримиз шу хилдаги ҳаёт зарбаларини бошқачароқ тарзда бошидан кечирганлиги тарихий ҳақиқат.

Ҳусайн Байқаро билан Алишер Навоий ораларидаги дўстликни кўра олмаган мунофиқларнинг, сарой амалдорларининг улар орасига низо солишга уринганликлари, ҳар хил ихво, найранглар билан Навоийни саройдан четлаштиришга муваффақ бўлганликлари илмий-адабий манбалардан бизга маълум, замонасининг адолатсиз ҳуқумдорлари билан чиқиша олмаган Навоий бир неча йиллар она юртидан узоқда, айрилиқ ва ҳурбатда яшашга мажбур бўлганлиги ҳам тарихий факт.

Ёки Алишер Навоий билан Ҳусайн Бақаронинг ёшлик йилларидан бошлаб дўст бўлганлиги, бир мадрасада таълим олганлиги иккаласида шҳам шеър ёзиш қоблияти мавжудлиги, айниқса, Ҳусайн Байқаронинг Алишер Навоийга катта ҳурмат кўрсатиб, доимо ҳамхўрлик қилиб, ижодини қадрлаганлиги каби ҳаётий фактларнинг «Мирали ва Султон Суюн» ҳикоясида асос

килиб олинганлиги мазкур афсонани яратган туркман халқининг буюк шоир шахсига, ижодига алоқадар барча маълумотлардан яхши хабардор эканлигидан далолат беради.

Навоий ҳақида яратилган афсона ва ривоятларни ёзиб олиш, тўплаш ва нашр этиш, улар бўйича тадқиқотлар яратиш соҳасидаги ишларининг бугунги кунда ҳам Туркменистонда қизҳин давом этаётганлиги таҳсинга сазовар фактдир. Бу ўринда филология фанлари номзоди Кааба Бўржақованинг илмий изланишларини алоҳида қайд этиш лозим. Олима сўнги йилларда Навоийга баҳишлаб ҳар хил даврларда яратилган янги-янги оҳзаки ижод намуналарини топишга эришди.

Жумладан у 1970йилда Туркменистоннинг Ёлатон районида истиқомат қилувчи Ҳазрат бахши Чориевдан «Султон Ҳусайн Байқаро» номли янги достони ёзиб олишга муваффақ бўлади.

Муаллифнинг ёзишига қараганда, бу достоннинг ижрочилари Туркменистонда кўпчилик бўлган, Қ. Чориевдан ташқари бу достоннинг Рўзи бахши, Гурт Якубов кабилар ҳам моҳирлик билан куйлаб келишган. Туркменистоннинг турли бурчакларида яшовчи назм ва наво мухлислари бу достонни магнит лентасига кўчириб ўзларида сақланаётганликлари қардош туркман халқининг Ўзбек адабиётига, қолаверса, унинг халқининг Ўзбек адабиётига, қолаверса, унинг буюк мумтоз шоири Навоийга бўлган катта ҳурматининг ёрқин мисолидир.

Достонда тасвирланишича, Султон Ҳусайн саройга уч донони таклиф этиб, улар маслаҳати билан давлатни ирода қилиши керак экан.

Отасининг ёзиб қолдирган бу вазиятини ижро этиш учун Султон Ҳирот ва Мари шаҳарларини айланиб уч донони излайди. Катта йўл устида ҳамманинг назари тушадиган жойда Ўтирган бола: «Мен бир вақтнинг Ўзида уч хил иш бажараман» дейди: Бу жавобни эшитган султон унинг оддий одам эмаслигини пайқайди. У шаҳар дарвозабонининг Ўҳли этлет эди. Султон иккинчи донони ахтариб чўлга чиқади. У ерда қуй боқиб юргани чўпонга дус келиб, унга «Тўққизни учга тақсим қилсанг етадими» деб савол беради. Бу сўроқ қўйларни тўққиз ой боқиб, уч ой қишдан соҳ-омон чиқара оласанми, деган маънода берилган бўлиб, чўпон унга тўхри жавоб қайтаради. Султон уни иккинчи марта синаб кўрмоқчи бўлиб чўпон бола яқинига келади-да, ҳеч нарса демасдан, қамчисининг сопи билан калласига тик-тик уради. Буни кўрган Мирали подшога қараб тилини чиқаради. Вазирлар бу ҳаратга тунишмайдилар. Миралининг бу харакати «Бошга бало икки энлик тилдан» келади деган маънони англатар эди. Шундай қилиб, Султон иккинчи донони ҳам топади.

Достон қаҳрамонларидан яна бири, учинчи донно Гулфаҳирнинг топилиши ҳам қизиқарли тасвирланган. Мирали қаерда Хотин -қизлар кўп тўпланган бўлса, Ўзини шуларнинг ёнига олиб бориб калтаклашларини буюради. Ана шундай вазиятда нон ёпиб турган аёл билан бир қизга дус келадилар. Қиз янғасининг «Буни нима учун урасизлар?»- деган саволига навкарлар «Айтганимизни қилгани учун урмоқдамиз»,-деб жавоб қайтарадилар. Қизининг янғаси: «Қизиқ бизлар айтганимизни қилмагани урамиз», деб ҳайратланади. Ўшанда қиз: «Янги бу гўзал қизга ўйланиб, унинг кўрсатмаси асосида иш олиб боради. Лекин кунларнинг бирида Гулфаҳм оҳир касаликка дучор бўлиб,

кўп ўтмай ўлади. Севимли хотинининг ўлими шоҳга каттик таъсир этади, ўз вақтини оҳфиҳон билан ўтказиб, дунёнинг айш-ишратига ҳам бефарқ қорайдиган бўлади. Ниҳоят, у ҳам ўлади. Унинг ўрнига Миралишер подшо бўлади. Унинг вафотидан сўнг тахтга этлет чиқади, у ҳам қариб ўлади».

Туркман бахшилари реператуаридаги «Султон Ҳусайн Байқаро» достонининг қисқача мазмуни шундан иборат.

Хуллас, туркман фольклорининг нодир намуналаридан бири бўлган «Султон Ҳусайн Байқаро» достони, Туркменистонда ҳозирга қадар Навоий ҳақида яратилган ҳажмон катта, нисбатан, мукаммал оҳзаки ижод асарларидан саналади. Агар у ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб нашр этилса, халқимиз Алишер Навоийнинг туркманлар Элида ҳам катта ҳурмат ва эътиборга сазовар улуҳ сиймолардан бири бўлганлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилишга аминмиз.

Алишер Навоий тўҳрисида туркман халқи орасида яратилган афсона ва ривоятларнинг ўзбек ёзувчилари ижодий изланишларида қўлланилаётганлиги диққатга сазовар факт. Атоқли адиб Ойбекнинг бу соҳадаги адабий тажрибалари ҳар бир ижодкорга ибрат бўла олади.

Халқ афсоналари негизида яратилган Ойбекнинг «Гули ва Навоий» достонининг мазмуни, ундаги айрим эпизодлар бизга туркман халқи орасида машҳур бўлган баъзи бир латифа ва ривоятларни эслатиб туради. Ҳатто, шоир айрим латифанома ҳикоятларни достон сюжетига айнан олиб кирган, шеърини каторларда чиройли қилиб тасвирлаб берган. «Подшо ўларига» деган ҳикоятнинг мазмунини юқорида келтирган Эдик. Энди шу

афсонанинг «Гули ва Навоий» достонидаги шеърӣ талқин билан танишинг.

«Гули ва Навоий» достонининг Ҳусайн Байқаро Гули, Навоий муносабатлари тасвирланган саҳифаларидан Мирали номи билан боҳлиқ туркман ривоятларининг таъсири яққол сезилиб туради. Ҳусайн Байқаро билан Навоийнинг овга чиқишга, тасодифан подшонинг дераздан Гулини кўриб қолиши ва унга ошиқ бўлиши сўнг Гулига Навоийни совчи қилиб юбориб, қизнинг розилигини омма ҳамда унга уйланиши, охир-оқибат Гулининг Навоийга содиқ қолиб, вафот этиши каби ҳаяжонли эпизодларни Ўқиганимизда «Гули ва Султон Суюн» Митрали ва Султон Суюн каби туркман халқ афсоналаридаги воқеаларни кўз олдимишга келтираимиз.

Демак, Ойбекдек улкан санъаткор учун Ўз халқининг тилида ва дамида турган орзу-Ўйларни, Алишер Навоийнинг ранг-баранг воқеаларга бой ҳаётнинг ибратли томонларини бадиий сўзга кўчиришда Мирали туркум ҳикоялари алоҳида аҳамият касб этган.

Уйхун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» тарихий драмасидаги Навоийнинг севгилиси Гули образининг яратилишида халқ охзаки ижодидаги афсонавий гўзал қиз Гулининг прототип бўлиб хизмат қилганлиги илмий-адабий манбаларда тилга олинади.

Юқорида айтилганларидан шундан хулосага келиш мумкинки, туркман халқи Мирали сиймосида Ўз орзу-истакларининг ҳомийсини кўрди. Унинг қиёфасида мушкулани осон қиладиган ҳамхўр шахни, душманларидан аёвсиз ўч оладиган, золимларнинг адабини берадиган, бефорасат кишиларни зийраклик билан мот қиладиган донишманд тасаввур қилди.

Навоийни адолат ва ҳақиқат тимсоли, деб шоир тўхрисида юзлаб афсоналар ижод этди. Мана, қарийб беш ярим асрдан бери бу Ўлмас ривоятлар тиллардан-тилларга, эллардан-элларга ўтиб, халқларимиздаги ярамас иллатларга қарши кураш олиб боришда, одамлар шахсиятига юксак ахлоқни шакллантиришда халқимизни ажойиб ҳикоятларнинг тарбиявий аҳамияти ҳоят юксакдир, энг муҳими, Мирали туркум ҳикоялари икки биродар халқ тукман ва Ўзбек халқлари дўстига Ўзбек ва туркман адабиётлари ҳамкорлигига хизмат қилиб келаяпти.

Туркман шоирлари ҳам Ўз шеърларида Навоий сиймосига мурожаат этаётганлиги, унинг тисолида олижаноб эзгу-ниятларни куйлашга интилиб, ажойиб шеърлар яратаётганлиги кишини қувонтиради. Туркман адабиётининг катта авлод намояндаларидан тортиб энг кейинги авлод вакирларигача Ўз шеърларида Навоийга улкан эҳтиром кўрсатишган, унинг номини ҳурмат билан тилга олишган.

Туркман адиблари дўстлик мавзусида қандай шеър ёзмасин, бу дўстликнинг тимсолини Навоий ва Махтумқули қиёфаларида кўрадилар Навоийнинг Туркменистондаги машҳурлигини Махтумқулининг Ўзбекистондаги шухрати билан изолхлайдилар. Таниқли шоир. Махтумқули номидаги Туркменистон Давлат мукофати лауреати Нури Байрамовнинг «Дўстлик давтари» шеърлар туркумига кирган «Бир дастурхон кўшиҳи» номли шеъри худди ана шундай хусусиятга эга. Шоир дўстликни, Ўзбек тўпроҳини мадҳ этар экан, бу тупроқни Навоийдек, Ғ.Ғуломдек улук зотлар билан кўркам вадовруҳли деган фикрларни илгари суради, туркман ва Ўзбек халқларнинг ажойиб дўстлигини куйлайди.

Дарҳақиқат, туркман ва Ўзбек халқлари дўстлиги мадҳига баҳишланган шеърларнинг кўпчилигида Навоий ва Махтумқулининг буюклиги улуҳланади. Бу икки сиймо тимсолида Ўзбек-туркман халқларининг ақл-заковати, донишмандлиги, уйхунлашганлиги ифтихор туйхулари билан қаламга олинади. Шоир С. Аvezбердиев Эркин Врҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасига ёзган Ўхшатмасида Ўзбекистонни Ўзбек халқини таърифлайди. Бундай мисолларни ҳар икки адабиётдан истаганча келтириш мумкин.

Х У Л О С А

Битирув малакавий ишимизнинг хулоса қисмида яна шуларни таъкидламоқчимизки, Алишер Навоий барча туркий халқлар, қолаверса жахон адабиёти тарихида Ўчмас саҳифа очиб кетган улух шоирлардан биридир. Алишер Навоийнинг ҳар бир асари, хатто ҳар бир ҳазали халқимизнинг, умуминсониятнинг маънавияти учун хизмат қилмоқда десак муболоҳа бўлмаса керак. Бундай буюк шахслар, улар яратган Ўлмас асарлар асрлардан асрларга Ўтиб жамиятга, бутун инсониятга хизмат қилади. улар ҳеч қачон Ўзининг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини йЎқотмайди. Алишер Навоий ижоди, унинг боқий асарлари худди шундай бебоҳа аҳамиятга эга асарлардир.

Алишер Навоий меросига, унинг жахон адабиёти тараққиётига қўшган асарларига муносабат мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият касб этаётганини қайд этиш Ўринлидир. Чунки Алишер Навоий меросидан фақат Ўтмиш жамият, Ўтган авлод учунгина эмас, балки ҳозирги мутақиллик замони учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга фазилатлар бор. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари бугун халқимиз, китобхонларимиз томонидан севиб Ўқилади, ардоқланади.

Алишер Навоийга Ўхшаган бетакрор сЎз санъаткорлари фақат Ўз халқи доирасида қолиб кетмайди. Уларнинг умумбашарий ижод намуналари бутун инсониятга хизмат қилади, жахон халқлари томонидан севиб Ўқилади, асарлари олимлар томонидан Ўрганилади. Айниқса Алишер Навоийнинг ижоди Марказий Осиёда яшайдиган халқлар учун жуда кадрли, шоир ва ёзувчилари учун эса адабий мактаб вазифасини Ўтаб келмоқда. Жумладан, Ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва тожик халқи

Ўртасида Алишер Навоий ижодига унинг дурдона асарларига хурмат алоҳида, жуда юксак. Бу халқлар орасида Алишер Навоий асарларини билмайдиган, улардан завқланмаган китобхонлар, шоир ижодидан бахраманд Ўблиб қалам табратмаган ижодкорлар йўқ десак муболоҳа бўлмаса керак.

Алишер Навоий меросига, унинг бадиий баркамол ҳазаллари ва дostonларига, илмий асарларига қизиқиш катта. Туркман халқи Алишер Навоийнинг худди Ўз шоирларига муносабатда бўлгандай муносабатда бўлади, унинг асарлари кадрлайди, севиб ўқийди. Бир қатор Туркман шоирлари, жумладан, Озодий, Махтумқули, Андалиб, Камина, Муллонафас, Сеидий, Зелилий каби сўз усталари Алишер Навоийни ўзиларига устоз санаб кўп асарлар ёзганлар, шоир ижодини ўз адабиётларида ўзига хос поэтик шахс ва мазмунда давом эттирганлар. Биз булар тўхрисида битирув малакавий ишимизнинг биринчи бобида сўз юритдик ва Алишер Навоийнинг адабиётидаги мавқеига тўхтадик.

Туркман халқининг, шу жумладан бошқа туркий халқларнинг ҳам Алишер Навоий шахсига қизиқиш шу даражада катта бўлганки, улар шоир ҳақида ўнлаб афсоналар, ривоятлар тўқишган ва у орқали ўзларининг Алишер Навоий шахсига муносабатини ифодалаганлар. Алишер Навоий айниқса туркман халқи орасида Мирали деган ном билан жуда машхур. Бу тўхрида туркман халқи кўплаб афсоналар яратган, хатто дostonлар ҳам ижод қилишган. Бундай афсоналар ўзбек фольклорида ҳам яратилган. Биз битирув малакавий ишимизнинг иккинчи ва учинчи бобларида Навоий образининг ўзбек ва туркман фольклорида яратилиши ҳақида фикр юритдик. Навоий ҳақида яратилган бир неча ривоят ва афсоналарни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Туркман халқи тўқиган ривоятларда Алишер Навоийнинг улух фазилатлари улухланади. Унинг адолатпарварлиги, халқпарварлиги, доимо халқ манфати учун қайҳурувчи, золимларга мурасасизлиги хақида ҳикоя қилинади. Баъзи ҳикоятларда Алишер Навоийнинг Ҳусайн Байқаро билан муносабатлари хақида сўз юртилса айримларида Алишер Навоийнинг Гулига муносабати, унга бўлган севгичи хақида ҳикоя қилинади. Ҳикоятларда айтилган фикрлар, гарчи афсона бўлсада, уларнинг негизида хаёт ҳақиқатига яқинлик бор. Навоийнинг шахсига тегишли, давлат арбоби, вазир сифатидаги фаолиятига алоқадор фактлар ҳикояларда яхши тасвирлаб берилган.

Туркман фаольорида яратилган Алишер Навоий хақидаги ривоятлар ҳар жихатдан мукамал бўлиб туркман халқининг улух Ўзбек шоирига бўлган муносабатини реал ифодалай олган. Бу ҳикоялардаги воқеалар шундай тавирланганки, гуя булар тарихий ҳақиқатдек. Бу эса халқ донологининг бир белгисидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Навоий (Мирали) хақида туркман халқи тўқиган афсоналар Ўзбек-туркман адабий алоқаларини янада мустахкамлашга, икки халқ фольклорида янада яқинлаштиришга, улар ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилади. энг асосийси, туркман хақид аулух Ўзбек адабиётига, унинг буюк шоири Алишер Навоийни қадрлашга ўрганади. Бундай мавзулар қанчалик кўп тадқиқ қилинса шунча яхши. Бу бир жихатдан адабиётлар ўртасидаги ҳамкорликларини мустахкамлашга ёрдам берса, иккинчидан халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада ривожлаштиришга хизмат қилади. Биз битирув малакавий ишимиздан худди шундай хулосага келдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов Истиқлол ва маънавият. Тошкент, 1994 й
2. И.А. Каримов. Туркистон умумий уйимиз. Тошкент, 1995
3. И.А. Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент, 1998
4. Навоий ва адабий таъсир масалалари. Мақоаллар тўплами.
Тошкент, 1968
5. Ё. Исоқов. Навоий поэтикаси. Тошкент, 1984
6. Н. Маллаев. Навоий ва халқ ижодиёти. Тошкент, 1978
7. Н. Ахмедов. Тарихий шахс талқини. Тошкент, 1991
8. К. Қурамбоев. Кўнгил бермиш сўзимга. Тошкент, 1992
9. Мамбетов. На7айў 81м ЗараЗалпаЗ 1дебиятў. Н5кис 1993
10. Маллаев. Навоий ижодиётининг халқчил негизи.
Тошкент, 1980

11. К. Қурамбоев. Ўзбек туркман адабий алоқалари.
Тошкент, 1978
12. Х. Болтобоев. Мумтоз сўз қадри. Тошкент, 2004
13. И. Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, 2004 й
14. О. Шарафиддинов. Ижодни англаш бахт. Тошкент, 2004
15. О.Сафаров ва бошқалар. Ўзбек халқ оҳзаки ижоди.
Тошкент, 1993
16. М. Шарипов. Навоий ва адабий алоқалар. Тошкент, 1972
17. Махтумқули. Шеърлар. Тошкент, 2006 й
18. А. Хайитметов. Навоий дахоси. Тошкент, 1984

М У Н Д А Р И Ж А

МУАЛЛИФ АННОТАЦИЯСИ	3
КИРИШ	6
АСОСЛАМА.	8
I БОБ	
Навоий ва туркман адабиёти.	11
II БОБ	
Навоий образ халқ талқинида.	24
III БОБ	
Навоий (Мирали) туркман фольклорида.	47
ХУЛОСА.	65

Фойдаланилган адабиётлар 69